



# ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 25 сентябрь кuni темир йўл соҳасини ислоҳ қилиш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.**

Сўнги етти йилда мамлакатимизда саноат корхоналари кўпайиб, 110 мингтага етди. 2 мингдан зиёд янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Экспорт ҳажми 1,6 баробар ошиб, ўтган йили 19 миллиард долларга етди. Буларнинг натижасида мамлакатимизда юк айланмаси 30 фоизга ошган.

Маълумки, Ўзбекистон каби дунё океанларига тўғридан-тўғри чиқиш имкони йўқ мамлакатлар учун энг қўлай ва арзон транспорт бу – темир йўл ҳисобланади. Лекин ҳозир ички бозорда маҳсулотнинг атиги 5 фоизи, экспортда эса 45 фоизи поездда ташланапти. Яъни, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти автомобилда юк ташига рақобат қила олмапти.

Чунки соҳа узоқ йиллар ислоҳ қилинмади, замонавий бошқарув тизими жорий этилмади. Шу билан бирга, ҳалқаро майдондаги вазият ҳисобига транспорт-логистика харажатлари ҳам ошган. Оқибатда жамиятнинг даромади ҳам, хизматлар сифати ҳам паст бўлиб қолмоқда.

Жумладан, вагонлар етишмовчилиги ва уларнинг кўплари эскирганлиги айтиб ўтилди. Ҳозирги тартифлар ва бошқарув тизими билан соҳага хусусий сектор кириши қийин. Аксарият станцияларнинг даромади ўз харажатини қопламайди. Рақамлаштириш даражаси пастлигича қоляпти. Вокзалларда савдо ва сервис лозим даражада йўлга қўйилмаган. Хавфсизлик важи билан марказий вокзалларга кириб-чиқиш имконияти чекланган. Автотураргоҳлар узоқ жойлашгани, чипта сотишдаги коррупция, вагонлардаги шароит ва хизматдан аҳоли норози.

Шулар қайд этилар экан, йиғилишда соҳани ислоҳ қилиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Унга қўра, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятини ҳолдинга айлантириб, замонавий бошқарувни жорий қилиш, инфратузилма, юк вагонлари ва логистика, йўловчи ташини хизматлари ҳамда вокзаллар бошқарувини бир-бирдан ажратиб, алоҳида корхоналар ташкил қилиш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, соҳадаги самарадорлик-

ни ошириш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди. Бухгалтерияни шаффоф қилиб, корхоналарга давлат кафолатисиз инвестициялар ва хорижий экспертларни жалб этиш зарурлиги таъкидланди.

Соҳада хусусий сектор учун жозибдор тарифлар шакллантирилиши, тадбиркорларнинг вагон сотиб олиши учун кредитлар ажратилиши белгиланди. Шунингдек, марказий вокзаллар атрофида замонавий савдо мажмуалари қуриш мумкин бўлади, вокзаллардаги жойлар ижара учун аукционга чиқарилади. Темир йўл станциялари атрофида бўш жойлар аниқланиб, логистика хизматлари ва ишлаб чиқариш лойиҳалари жойлаштирилади.

Рақамли технологиялар вазири билан биргаликда “ягона дарча” тамойили орқали юк ҳужжатларини электрон расмийлаштириш, вагонларга GPS ўрнатиш ва онлайн омбор ахборот тизимини ишга тушириш вазифаси қўйилди.

“Ўзбекистон темир йўллари”нинг носоҳавий активларини қайта кўриб чиқиш, уларни сотишдан тушган маблағларни темир йўл инфратузилмасини яхшилашга йўналтириш муҳимлиги таъкидланди.

Поездларнинг катта қисми пойтахт ва вилоят марказларига кириб келиши оқибатда станцияларда тирбандлик юзори бўлаётгани кўрсатиб ўтилди. Шу боис юк станцияларини шаҳарлардан ташқарига кўчириш имкониятини ўрганиш зарурлиги қайд этилди. Бу шаҳарларда юк машиналари ҳаракати камайишига, туманларга қўшимча инвестиция киришига хизмат қилади.

Транспорт прокурорига барча темир йўл кешисмаларини тартибга олиб, фуқаролар ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўрсатма берилди.

Ҳодимлар малакаси, хизматлар сифати масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги ислохотлар орқали аҳоли ва тадбиркорларни рози қиладиган тизим яратиш зарурлигини таъкидлади.

Мутасаддилар йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан ахборот берди.

ЎЗА

# Хитой компанияси ёрдамида Фарғона шаҳрига тоза ичимлик суви тортилади



**Фарғона вилояти ҳоқими Хайрулло Бозоров Хитойнинг “САНС Engineering” компанияси вице-президенти Лю Шэнчэн бошчилигидаги компания вакиллари қабул қилди.**

Учрашувда Хитой компанияси иштирокида Фарғона вилоятида Кўёш фотоэлектр станцияси қуриш, “Кампир-обод” сув омборидан Фарғона шаҳрига тоза ичимлик суви тортиш, ижтимоий объектлар, шу жумладан, мактаблар ва тиббиёт муассасаларини лойиҳалаш, қуриш ёки капитал реконструкция қилиш, Экошаҳар ҳудудида 25 қаватли тураржой мажмуалари барпо этиш лойиҳалари муҳокама қилинди.

Мазкур учрашув вилоят ҳоқими бошчилигидаги Фарғона вилояти делегациясининг яқинда Хитойга

бўлган амалий ташрифи давомида “САНС Engineering” компаниясини ўз тарихига олувчи Хитой миллий машинасозлик саноати корпорацияси – “SINOMACH” раҳбарияти билан ўтказилган самарали музокараларнинг давоми бўлди.

– Ўзбекистон сўнги йиллардаги ислохотлар натижасида жадал иқтисодий ривожланиб бораётгани хорижий сармоядорлар, хусусан, Хитой сармоядорлари учун катта инвестицион жозибдорлик касб этмоқда, – деди Лю Шэнчэн ўз ахборотида. – Ҳақиқатан ҳам юртингизда инвестициявий, иқтисодий улкан салоҳият бор. Компаниямиз Ўзбекистон ҳудудлари орасида Фарғона вилоятида асосий лойиҳаларини амалга оширишни кўзда тутмоқда.

Компания томонидан Бешарик туманида 500 мВт қувватли, лойиҳа қиймати 300 миллион доллар бўлган Кўёш фотоэлектр станцияси қурилиши бўйича ўз фикрларини билдирган вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров тун-

ги электр таъминотида камайиш бўлмаслигининг олдини олиш мақсадида энергия сақлаш батарея станциясини барпо этиш лозимлигини қайд этди. Мазкур лойиҳага инновацион Хитой тажрибаларини татбиқ этиш имкониятлари ҳам ўрганиб чиқилди.

“Кампиробод” сув омборидан Фарғона шаҳрига тоза ичимлик суви тортиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳам амалий ишларга кирилиши белгилаб олинди, бу мақсадда ташкил этилган қўшма ишчи гуруҳ лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқарди.

Мазкур сув омборидан Фарғона шаҳрига тоза ичимлик суви тортиш ҳамда ижтимоий объектларни лойиҳалаш, қуриш ёки капитал реконструкция қилиш лойиҳаларига “САНС Engineering” воситаси билан Хитой Эқсимбанкининг узоқ муддатли ва арзон фоизли кредит линияларини жалб қилиш юзасидан иш олиб борилмоқда.

Хитой Эқсимбанки раҳбарининг мамлакатимизга кутилаётган ташрифи давомида вилоят ҳоқими ушбу лойиҳаларни молиялаштириш шартлари бўйича муҳокама учрашуви ўтказилиши белгиланди.

Тошкента Олимпия шаҳарчаси лойиҳасини амалга ошираётган “САНС Engineering” компанияси томонидан Фарғона шаҳрида барпо этилаётган экошаҳар ҳудудида 25 қаватли турар-жойлар мажмуасини барпо этиш лойиҳаларини ҳам амалга ошириш режалаштирилди.

Ўз архитектура компаниясида 3500 нафардан зиёд мезморни жамлаган “САНС Engineering” ҳозирги кунда Янги Тошкент шаҳрининг концептуал бош режасини ишлаб чиқишда иштирок этаётганини билдирган Лю Шэнчэн Фарғона вилоятида ҳам бундай лойиҳаларни амалга оширишга тайёр эканлигини айтди.

Қўқон шаҳрида барпо этиладиган янги шаҳарча лойиҳаси бўйича ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

# Чегарачиларнинг қувончи чексиз

**Хўжаобод туманида ДХХ Чегара қўшинлари хизматчилари учун барпо этилган уч қаватли янги уй, уй-боғча ҳамда чегара қўшинлари взводининг янги маъмурий биноси фойдаланишга топширилди.**

Ҳарбий хизматчилар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида янги уй ва маъмурий бинонинг очилишига бағишланган тадбирда мамлакатимизда миллий армиямиз, хусусан, чегара қўшинларининг жанговар салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари яшаш шароитларини яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Жумладан, юртимизнинг энг чекка ҳудудларидан бири бўлган Хўжаобод туманининг Қирғизистон Республикаси билан чегара ҳудудида хизмат бурчини ўтаётган



Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари учун фойдаланишга топширилган янги ва уч хонали 30 хонадондан иборат янги уй, айниқса, унинг биринчи қаватида жойлашган 50 ўринли болалар уй-боғчаси ҳарбийлар ва уларнинг оилалари учун муносиб соғва бўлди.

– Оиламиз учун барча қулайликка эга уч хонали янги уй ажратилгандан

беҳад хурсандимиз, – деди ҳарбий хизматчи Шерзодбек Мўминов ўз ахборотида. – Янги уйга кўчиб ўтганимиздан, айниқса, турмуш ўртоғим, фарзандларимнинг қувончи чексиз. Юртбошимизнинг, ҳукуматимизнинг ҳарбийларга, уларнинг оилаларига қўрсатилган бу каби эътиборидан беҳад миннатдоримиз.

Шунингдек, Чегара қўшинлари взводи учун барпо этилган янги маъмурий бинода ҳам ҳарбийларнинг хизматини юқори даражада адо этиши учун зарур барча шароит яратилган.

Тадбирда Андижон вилояти ҳоқими Шухратбек Абдураҳмонов сўзга чиқиб, ҳарбийларни янги уй ва маъмурий бино билан муборакбод этди.

# Ҳамжиҳатлик, масъулият ва дахлдорлик туйғуси даркор

**Муҳиддин МАҒЗУМОВ,**  
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Худудларни обод қилиш, қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, хусусан, жойларда ички йўллар, ичимлик суви, электр энергияси ва газ таъминотини, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ҳамда бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш асосида аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш мамлакатимиз миқёсида бош шiorга айланган десак ўринли бўлади. Зеро одамлар рози бўлиши учун аввало турмуш шароитлари рисоладагидек бўлиши лозим. Бу борада чекка-чекка қишлоқларда аҳвол қандай? Бу саволга жавоб топиш ва ҳолатга бевосита гувоҳ бўлиш мақсадида Поп туманига йўл олдик.**

Соат 11 дан кейин туман ҳокимлигига етиб бордик. Озод маҳалласи ҳоким ёрданчиси Мавлуда



Тўраева ҳамроҳлигида иш қизгин кетаётган Нур-обод маҳалласи томон йўл олдик. Биринчи дуч келганимиз – коммунал хизматлар ва йўл қурилишига қарашли худди поезд каби қаторасига терилган юк ташувчи транспортлар эътиборимизни тортиди. Бу ерда вилоят ва туман ҳокимлиги мутасаддилари, сектор раҳбарлари, маҳалла бешлиги ҳаммаси жамулжам. Нарироқда ишчи-ҳодимлар газ тармоғи қуруларини бўяшмоқда. Ҳолислик нуқтаи назаридан алоҳида таъкидлашимиз жоизки, “Нуробод” МФЙга қандай келиб қолганимиз ҳақидаги тафсилотларни юқорида баён қилдик. Яъни, аввалдан борар манзил кимдир томонидан белгиланиб, тавсия қилингани йўқ. Хуллас, Нурободга келиб қол-

ганимиз муайян маънода айни тасодифдир. Чунки шу кун мазкур маҳаллада кенг қўламли ишларнинг бошланаётганига қарамай, бу ерда бирон-та оммавий ахборот воситасисиз вакилларини учратмадик, на телевидениени ва на бошқасини. Билсак, асосий мақсад ҳам оммага овоза қилмай, амалий ишларни виждонан бажариш бўлган экан. Тўрақўрғон, Уйчи, Норин ва Поп туманларидаги “Обод қишлоқ” ва “Обод хонадон” дастурлари ҳаётга татбиқ этилиб, оғир худудлар танлаб олинди. Хўш, аслида обод қишлоқ ва обод хонадон қандай бўлиши керак? Фақатгина йўли раво ва ичимлик суви бор, газ и ёниб, чироғи ўчайдиган кўча ва уйми? Саволга “ха” деб жавоб берсак, у ҳолда

бевосита соғлиқни сақлаш билан боғлиқ масалалар – соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, тўғри овқатланиш ва турмуш-рўзғорда риоя қилиниши шарт бўлган бошқа гигиеник маданиятлар ортиқча даҳмазми? Базми ўринларда кўрамизки, маийий дабдабаларга келгандан ортиқ маблағ сарфлаб, оддий гигиеник қондаларга беписандимиз. Пойгакларга аллақандай гулбетонлар “тўшалгани” ҳолда ҳаммом ва ҳожатхоналарга эътибор қаратилмапти. Ёки кафдеткина бўлса-да ерини қаровсиз қолдириб, бепарво бўлаётганлар ҳам йўқ эмас. Ошқўк, укроп ёки бошқа дармондориларга бой ва фойдали ўсимликларни парварошлаб, янги узилганини овқатга қўшиб истеъмол қилишга нима етсин. Бунинг учун у қадар катта ер майдони ҳам, маблағ ҳам талаб қилинмапти. Бу борада ҳовлисидида экин майдони кичик – шароити йўқлар ҳатто, ёғочдан ясалган тўртбурчак тувакларда кўкатларни етиштирилади. Томорқалар эса рўзғордаги даромадининг кони эканлиги сир эмас. Ана шундай саришталлиги оройиштаклик фазилатлари ҳар бир хонадонга кириб бориб, устуворлик аҳамият касб этиши зарур! Халқимиз бежизга “Ҳаракатда баракат” демаган. Буларнинг ҳаммаси тарғибот-ташвиқот ишларига ва маҳаллалардаги бешликнинг ташаббускорлигига ҳамда масалага нечоғлиқ масъулият билан ёндашилаётганига боғлиқдир. Ўзаро ҳамжиҳату ҳамфирқликда ва “Маҳаллам – фахрим, хонадоним намунали” ғояси остида хайрли ишларга маҳкам бел боғланса, албатта, юрт обод ва кўнглилар шод бўлади.

– Маҳалламиздаги бешта кўчада жойлашган 489 та хонадонда 569 та оила истиқомат қилади, – деди “Нуробод” МФЙ раиси Валижон Тўйчиев. –

Иккита кўп қаватли уй ҳам бор. Қишлоқ ҳўжалиги, чорвачилик ва саноат етакчи тармоқ ҳисобланади. Ичимлик суви таъминоти 66 фоизни ташкил қилади. Маҳалла фуқаролар йиғини биноси шу пайтгача мавжуд эмас. Одамларни қийнаётган ва ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этишда бир тану бир жон бўлиб, астойдил ишга киришялмиз. Ободонлаштиришга жами 7 миллиард 825 миллион сўм маблағ сарфланапти. Бир сўз билан айтганда, барча қулайликларга эга замонавий бино қурилади. 7,3 километр йўл шағалланган бўлса, 6,6 километр ички йўллар асфальтланади. 12,4 километр ичимлик суви тармоғи тортилган ва ана 6,5 километр тармоқ тортилади. Натижада 125 та хонадон ва бир қатор тадбиркорлик субъектлари ичимлик суви билан таъминланади. 214 та темир-бетон устун ўрнатилиб, 5,4 километр электр тармоғи ва қуввати 250 кВга бўлган иккита трансформатор пункти қурилади. Кўп қаватли уйларни таъмирлаш каби кенг қўламли ободонлаштириш ишлари бажарилади. Қўмакча муҳтож хонадонлар таъмирланади. Давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганидан, шундай эғзу ва хайрли саъй-ҳаракатларга бош бўлаётган барча раҳбарлардан миннатдоримиз.

Ҳа, ижтимоий масалаларни ечишда фидойилик ва яқдиллик қайфияти билан имкониятларни сафарбар этиш бугунги кунимизда долзарбдир. Шу ўринда, этик кийиб, сидкидилдан енг шимариб меҳнат қилаётганларга куч-қувват ва ғайрат-шижоат тилаймиз. Мазкур худудда бошланган “Обод қишлоқ” ва “Обод хонадон” дастури ижросига бағишланган йиғилишда Президент маслаҳатчиси Гофиржон Мирзаев иштирок этди.

# ҲУДУДЛАРДА КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

**Соҳиб ДЖУМАЕВ**, Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи.

**Бухоро вилоятида бугунги кунда кўп қаватли уй-жойлар сони 2 минг 100 тага етган. Мазкур турар жойларга янги тартиб-таомил асосида 28 та бошқарув сервис компанияси ҳамда 8 та хусусий уй-жой мулкдорлари томонидан техник хизмат кўрсатиб келинмоқда.**



гача таълим муассасаси ва жами 101 та бошқа турдаги истеъмолчига хизмат кўрсатиб келинмоқда. Бунинг учун вилоят марказидаги 29 та ва темирйўлчилар шаҳридаги 5 та қозонхона имкониятларидан унумли фойдаланилган. Айтиш керакки, улардаги қозонлар сони 134 тани ташкил этмоқда. Албатта, "қиш гамини ёзда кўр" деган ақлдага амал қилган ҳолда мавжуд барча қозонхоналарда куз-қиш мавсумига тайёргарлик, жорий таъмирлаш-тиклаш ишлари аллақачон бошланган. Бугунга келиб қорхона балансида 112,6 километр узунликдаги, турли диаметр ўлчамдаги иссиқлик тармоғи мавжуд бўлса, шундан Бухоро шаҳридаги иссиқлик линияси 97 километрга етган.

Тармоқ фаолиятини янада яхшилашда инвестиция дастури асосида рўёбга чиқарилаётган лойиҳаларнинг ҳам аҳамияти катта бўлмоқда. Шу кунларда тармоқда буюртмачи – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги "Кўп хонадонли уйлари ва иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК томонидан 2023 йилда Бухоро ва Когон шаҳарларидаги "Қарши дарвоза", "Сувчилар" ва "Шаҳар туғруқхонаси" локал қозонхоналарини ҳамда Когон шаҳридаги "РК-3" марказлашган қозонхонасини янгидан модернизация ва реконструкция қилиш лойиҳалари ишлаб чиқилган. Шунга қўра, ҳозирда "Қарши дарвоза" локал қозонхонасида пудратчи "Ғижувон замона қурилиш", "Сувчилар" локал қозонхонасида пудратчи "Фаст Булдинг қурилиш", "Шаҳар туғруқхонаси" локал қозонхонасида пудратчи "Шофиркон Жўнаев қурилиш", шунингдек, Когон шаҳридаги "РК-3" марказлашган қозонхонасида пудратчи "Когон Нефтогазэнергосервис" МЧЖлари томонидан умумий белгиланган ишнинг 40 фоизидан ошиги урнатилганини кўриш мумкин.

Шу билан бирга, ҳозирда Бухоро шаҳридаги 6 донна сув иситиш қозонидан 5 тасида мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилиб, "Д-63" ва "Д-325" миллиметрли тармоқлар оралаб 4,6 километр узунликдаги иссиқлик линияси мукамал таъмирланмоқда. Айтиш керакки, тармоқнинг 3,5 километр қисмидаги таъмирлаш ишлари якуниланган.

Бундан ташқари, Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Зарафшон" Бошқарув сервис компанияси томонидан 2023-2024 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида кўп қаватли уйлари ва иссиқлик таъминоти тизимида яроқлилик муддатини ўтаб бўлган элеваторлар, тик ва ётиқ қувурларнинг янгилаётгани фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Жумладан, "Уй-жой қурилиш" бошқарув сервис компанияси ишчи-хотимлари томонидан А. Жомий кўчасидаги 21/2, 18/3, 12, 12/1 ва Пиридастгир кўчасида жойлашган 12/3 ҳамда 13/5-сон кўп қаватли уйлари ва иссиқлик таъминоти тизимида яроқлилик муддатини ўтаб бўлган "Д-273" ҳамда "Д-219" миллиметрли қувурнинг 500 метр қисми янги сизга алмаштирилмоқда. Бу эса хонадонларни қиш мавсумида иссиқ сув ва иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, куз ва совуқ қишни кўп қаватли уйларида яшовчи аҳоли рисоладагидек ва ортиқча ташвишларсиз ўтказишни таъминлаш мақсадида вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ва унинг тизимидаги таъминот, хизмат кўрсатиш қорхоналари томонидан бор куч ва имконият сафарбар қилинмоқда.

**Нуриддин ЖУМАНИЕЗОВ**, Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

**Айни пайтда мамлакатимиз ҳудудларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ушқоқлик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, Навоий вилоятидаги иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп қаватли турар жой фондини 2023/2024 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, коммунал соҳага дахлдор хизматларнинг иш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича зарур чоралар қўрилмоқда.**



Бу жараёнда барча ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш соҳаси объектлари, кўп қаватли турар жой бинолари кўздан кечирилиб, аниқланган муаммоларни ўз вақтида бартараф қилиш юзасидан қурилиш-таъмирлаш ишлари ташкил этилган. Кўп қаватли уй-жой фондини 2023/2024 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш учун республика бюджет, маҳаллий бюджет ва "Навоий кон-металлургия" акциядорлик жамияти ҳамда бошқарув сервис компаниялари маблағлари ҳисобидан 364 та кўп қаватли уйни таъмирлаш режалаштирилган. Бугунги кунда 185 та уйда таъмирлаш ишлари ўз якунига етказилди.

Хусусан, 78 та уйнинг 64,2 минг квадрат метр том қисми, 116 та кириш йўлига, 645 квадрат метр фрамуга роми, 54 та ертўла қисмидаги муҳандислик тармоқлари, 3 та ички муҳандислик тармоғи, 63 та уйнинг фасад қисмида таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, электр тақсимловчи ишлар ҳамда 74 та энергия тежамкор лампа ўрнатиш ишлари якуниланди. Булардан ташқари, 14,8 километр иссиқлик тармоқлари, 22,8 километр ичимлик сув тармоқлари, 104 донна ичимлик сув насос ускунаси, 431,7 километр юқори қучланишли электр тармоқлари, 70 донна юқори қучланишли трансформатор пункти, 4197,6 километр паст қучланишли электр тармоқлари, 1204 донна паст қучланишли трансформатор пункти, 8 километр газ тармоқлари, 6 донна газ тақсимлаш пункти, 18 донна марказлашган қозонда мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.

Қишки мавсумга тайёргарлик жараёнида ижтимоий соҳа объектлари ва таълим ва тиббиёт муассасаларининг мавсумга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда режалаштирилган 6 та соғлиқни сақлаш муассасасининг 2 тасида мукамал ҳамда 3 тасида жорий таъмирлаш ишлари олиб бориляпти, 1 та объектда таъмирлаш ишлари якунига етказилди. Мазкур объектларнинг вилоятнинг энг оқибатли ҳудудларига аҳоли ҳамда ижтимоий соҳа объектларини иситиш тизимини яхшилаш, кўмир билан таъминлаш тизими тарзда амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш керак.

Ижтимоий соҳа муассасаларига 2023/2024 йиллар куз-қиш мавсуми учун жами 43,6 минг тонна кўмир ёқилгиси жамғарилиши режалаштирилган. Бугунги кун ҳолатига 29,1 минг тонна яъни, 66 фоиз маҳсулот

жамғарилди. Қолган 14,2 минг тонна кўмир ёқилгиси жорий йилда давлат хусусий шерикчилик асосида иситиш тизими тадбиркорлик субъектига берилган 220 та ижтимоий соҳа муассасаларига хусусий шерик томонидан жорий йилнинг 1 октябрь кунига қадаб олиб келиниши кўзда тутилган.

Шунингдек, аҳоли эҳтиёжи учун куз-қиш мавсумида 18 минг тонна кўмир ёқилгиси жамғариш режаси кўрсатилган бўлиб, 965 тонна кўмир омборхоналарга олиб келинди. Шундан 80 тонна аҳоли эҳтиёжи учун етказиб берилди. Булардан ташқари, вилоят аҳолисида 8,2 минг тонна суюлтирилган газ етказиб бериш режаси белгиланган график асосида октябрь ойидан бошлаб белгиланган ҳудудлар кесимида тўлиқ қамаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги "2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда ижтимоий ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамда иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, энергия самарадорлигини ошириш орқали ҳудудда энергия тақчиллигини қоплаш юзасидан қатор ишлар бажарилмоқда. Жумладан, вилоят бўйича жами 140 та кўп қаватли уй-жойда 997,5 кВт қайта тикланувчи энергия манбаларини ўрнатиш белгиланган бўлиб, бугунги кунда 49 та уйда 526,0 кВт қуёш панели, 64 та уйда 63,4 кВт қуёш панели ўрнатилган бўлиб, 2600 литр қуёш сув иситиш қурилмаси қўриб берилди.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, 58 та бошқарув сервис компанияси томонидан туну кун (24/7 форматда) фаолият юритиладиган авария ва диспетчерлик хизмати ҳамда 38 турдан ортиқ қўшимча хизмат турлари жорий этилиб, аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиши яхшиланди. Аҳолидан тўшаётган ҳар бир муурожаат ўз вақтида ўрганилиб, муаммоларни бартараф этиш чоралари қўрилмоқда. "Иссиқлик манбаи" давлат унитар қорхонаси томонидан мавсумни бетаалаф ўтказиш мақсадида 13 та авария тиклаш бригадасида 82 нафар ходим фаолиятга йўлга қўйилиб, 121 та махсус техника жалб этилди.

Айни пайтда куз-қиш мавсумини бетаалаф ўтказиш борасидаги бу каби самарали ишлар давом эттирилмоқда.



Жорий йилги куз-қиш мавсуми олдиндан Президентимизнинг 2021 йил 19 июндаги "Кўп қаватли уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси тизимидаги шаҳар ва туман бўлиmlари мутасаддилари назорати остида жойларда энергия ресурслари самарадорлигини таъминлаш борасида кўп қаватли уйлари ва бошқа қисмларини таъмирлаш ҳамда ҳудудларини ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Айтиш керакки, 2023-2024 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида таъмирлаш, коммуникация, электр ва иссиқлик таъминоти тармоқларини тартибга келтириш, ҳудудларни ободонлаштириш ишлари бўйича ҳам аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатига эътибор

қаратилган. Қиш мавсумида вилоятдаги "Иссиқлик манбаи" давлат унитар қорхонаси ва "Бухороэнергомарказ" акциядорлик жамияти томонидан Бухоро ва Когон шаҳарларидаги 717 та (Бухоро шаҳрида 662 та, Когон шаҳрида 55 та) кўп хонадонли уй-жой ҳамда 142 та ижтимоий соҳа объекти марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминланади. Қолган 1 минг 374 та кўп қаватли уй-жой эса локал ва индивидуал тарзда иссиқлик манбалари билан қамраб олинди.

Тизимда юзага келиши мумкин бўлган авария ҳолатларини бартараф этиш мақсадида вилоятдаги мавжуд бошқарув компаниялари ва уй-жой мулкдорлари ширкатларида, 2 та иссиқлик таъминоти қорхонаси ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармасида 24 соат ишлайдиган диспетчерлик хизматлари ташкил қилинган. Бу ишларга соҳадаги 400 дан зиёд ишчи-хотим жалб қилинган.

"Бухороэнергомарказ" акциядорлик жамияти бугунга келиб 202 та кўп қаватли уй-жой ёки жами 11 минг 372 та хонадонда исстикомат қилувчи салкам 30 минг нафар аҳоли, шунингдек, 32 та ижтимоий соҳа иншоотига иссиқлик энергияси ва иссиқ сув етказиб беради. Акциядорлик жамиятида 2023-2024 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида вилоят марказидаги 4- ва 6-кичик мавзелардан ўтувчи иссиқлик тармоқларини реконструкция қилиш ишлари давом эттирилмоқда.

Айни пайтда қурилиш-монтаж ишлари якуниланаётган ҳудудларда ерости иссиқлик тармоғи қувурларини кўмиш ва устини асфальтлаштириш ишлари босқичма-босқич бажарилляпти. Шунингдек, тармоқ хизматини яхшилаш мақсадида шу кунгача қарийб 5 километр иссиқлик тармоғи қувури, 5 минг метр қувурнинг иссиқлик қопламаси янгилангани, замонавий энергиятежамкор насослар ўрнатилиши ҳисобидан 30 фоизгача электр энергияси сарфини камайтиришга эришилмоқда. Натигада 200 тадан зиёд кўп қаватли уйнинг 11 минг 237 та хонадонига, 30 дан ортиқ ижтимоий соҳа объекти ва бошқа турдаги истеъмолчиларга узлуксиз ва кафолатланган иссиқлик энергияси етказиб бериш имконияти яратилмоқда.

Биргина давлат унитар қорхонаси томонидан бугунга келиб Бухоро шаҳрида 462 та ва Когон шаҳрида 55 та кўп қаватли уйга, шунингдек, 24 та умумтаълим мактаби, 26 та мактаб-



## СамДАҚУда кредит-модул тизими қандай ишламоқда?

**Райҳона ХЎЖАЕВА**, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бир пайтлар магистратурада ўқиётганимизда иқтисод фанини дарс жадвалига қўшишганда деярли аксариятимиз ажабланиб, "Журналистикага иқтисоднинг нима алоқаси бор, ундан кўра кераклироқ бирор фан қўйишса бўларди" деганмиз эсимда. Афсуски, у пайтда қайсидир фанни танлаш имкони талабада мавжуд эмасди.**

Бугун эса талабалар айнан қайси фанларни ўрганишни қисман бўлсада, ўзи танлаш имконига эга. Бир вақтлар орзу бўлган бу имконият эндиликда республикадаги олий таълим муассасалари орасида биринчилардан бўлиб Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетида жорий этилди. Бунда ҳар бир ўқитувчи семестр бошида ўз фани бўйича дастурини тақдим этади. Унда бу фан нима ҳақидалиги, талабалар ушбу фанини ўрганиши натижасида амалиётда нималар қила олиши ҳақида батафсил тушунтириш берилган бўлади. Ана шундан кейин талабалар ўзлари истаган фанни онлайн сўровнома орқали танлашади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси"га кўра, олий таълим муассасаларининг ўқув режаларини кредит-модул тизимига ўтказиш механизминини ишлаб чиқиш ва уларни босқичма-босқич мазкур тизимга ўтказиш ҳамда мустакил таълим соатлари улушини ошириш белгиланган. Шунингдек, бу тизим орқали талабаларда мустакил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни қучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, бу борада ўқув



жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий этиш назарда тутилган. Аънавий университетлар қатъий белгилаб қўйилган ўқув дастурлари асосида иш юритилди. Бунда талабалар олдиндан ёзилган барча фанларни ўрганишга мажбур бўлишди. Лекин ўқув режадаги барча фанлар ҳар бир талабанинг қизиқишлари, келажақ режаларига тўғри келмасачи?

– Замонавий таълим берадиган университетларда ҳар бир талаба ўз қизиқишлари, имкониятлари, келажақда қайси касбини эгаллаши ва бу учун керакли фанларни ўзи яхши билади, – деди СамДАКУ Архитектура факультети декани, архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори Дилноза Камалова. – Талабани мажбурлаб хонада олиб ўтириш мумкин, лекин унинг фикр ва эътиборини чегаралаб бўлмайди. Кредит-модул тизимида ишлайдиган университетларнинг афзаллиги ҳам – ўқув

дастурига танлов фанларининг жорий этилиши. Танлов дарслари талабанинг асосий йўналишидан ташқари, турли фанларни ўзлаштириш имконини яратди. Талабага шахсий ва профессионал ўсишга ҳам ёрдам беради. Танлов дарслар орқали талабада янги кўникмалар ривожланади. Мисол учун, талаба иқтисодиёт йўналиши бўйича ўқиса танлов дарс сифатида психологияни танлаши унга харидорлар ва сотувчиларнинг фикрлаш тарзи ҳамда уларнинг харажат қилиш сабабларини тушунишга имкон беради.

СамДАҚУда жорий ўқув йилида талабаларга онлайн сўровнома орқали тақдим этилган 30 та танлов фанлар орасидан кучли ўнликка кирган фанлар рўйхатига рус тили, турк тили, немис тили, волейболдаги асосий техникаларни ўқитиш, бевосита маркетинг, футбол ва асосий харажатларни ўқитиш, бизнесда жамоатчилик билан алоқаларни ўрнатиш, логистика менежменти асослари, корей тили, баскетболдаги асосий техникаларни ўқитиш кабилар киртилган.

Албатта, йилдан йилга танлов фанлари сони ошиб боради. Чунки замон ўзгармоқда, илм-фан ривожланмоқда, бозорда янги кўникмаларга эҳтиёж сезилмоқда.

Замонавий трендларга асосланган ҳолда талабада мустакил қарор қабул қилиш қобилияти ҳам шаклланиб борапти. Талабалар ўз факультетларидан ташқарида, яъни, бошқа факультетлардан ҳам танлов фанлари олишлари учун тизим яратилди.

Танлов фанлар тизими аслида профессор-ўқитувчилар орасида ҳам ўзига хос рақобат муҳитини яратди. Ўз устида ишламаган, эски китоб ва маълумотлар билан дарсга қирадиганлар ўз-ўзидан талаба учун кераксиз бўлиб қолади. Талабаларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларига жавоб бермайдиган фанлар ўқув дастуридан чиқарилади, янги рўйхатдаги фанлар давр талабалари ва қизиқишларига мослаштирилади.

Бир сўз билан айтганда, ректор Чидем Жанбай Туркийилмаз бошчилигидаги СамДАҚУ жамоаси давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси"га кўра, келажақда мамлакатимиз ва дунёда рақобатбардор, халқаро тажрибага эга, ўз соҳасининг кучли мутахассисларини етказиб беришда бор салоҳият ва имкониятларини қўллашда давом этадилар.

◀ **ДАВОМИ. БОШИ ГАЗЕТАНИНГ 2023 ЙИЛ 8 СЕНТЯБРДАГИ 80 (733)- ВА 22 СЕНТЯБРДАГИ 81-82 (734-735)-СОНЛАРИДА**

# ШНҚ 2.04.07-22 “ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИ” ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОЙДАЛАРИ

219. Дренаж насослари йиғилган сувларни автоматик тарзда чиқарилиб юборилишини таъминлашни керак.

220. Аралаштирувчи насос станцияларини автоматлаштириш, олдидан белгиланган аралаштириш ҳароратининг барқарорлигини ва насослар тўхтатилганда аралаштириш насосларидан кейин иситиш тармоқларини сув ҳароратининг олдидан белгиланган ҳароратга нисбатан кўтарилишидан ҳимоя қилишни таъминлашни керак.

221. Насос станциялари маҳаллий ёки бошқарув панелида ўрнатиладиган кўрсатувчи ва қайд қилувчи асбоб-ускуналар (шу жумладан, сув сарфини ўлчаш) ва бошқарув шчитидаги носозликлар ва ҳолатни кўрсатувчи сигналзация билан таъминланган бўлиши керак.

222. Иссик сув таъминоти учун бак аккумуляторлар (шу жумладан, зарядлаш ва разрядлаш учун насослар) қуйдагилар билан жиҳозланган бўлиши керак:

а) қуйдагиларни ўлчаш учун назорат-ўлчов асбоблари билан:
сатҳни – қайд этиш мосламаси;
барча сув юбориш ва чиқиш қуворларида босимни кўрсатувчи ўлчов асбоби;
аккумулятор бакидаги сув ҳароратини кўрсатувчи ўлчов асбоби.

б) блокировкалар қуйдагиларни таъминлайди:
сув сатҳи бақни тўлалигини белгилувчи юқориги чегарага етганда аккумулятор бакига сув етказиб беришни тўлтиқ тўхтатиш;
сув сатҳи пастки даражага етганда – сув олишни тўхтатиш (разрядловчи насосларни ўчириш).

в) қуйдаги ҳолларда сигналзация билан хабар берилади:
сув сатҳи юқори чегара даражасига етганда (тошиб кетиш трубасига тўлиб сув тушушининг бошланиши);
тўқши насосларини ўчириш.

223. Бак аккумуляторлар доимий хизмат кўрсатувчи ходимлар бўлган объектларда ўрнатилганда ёруғлик ва овоз чиқарувчи сигналзация навабatches ходимларнинг ҳонасида ўрнатилади.

Доимий техник ходимларсиз ишлайдиган объектларда носозлик сигнални диспетчерлик пунктига юборилади. Хизмат ходимларини чақирish сабаби маҳаллий даражада қайд этилади.

224. Иссиқлик пунктлари иссиқлик ташувчиларнинг параметрларини ўлчаш ва узатайлаётган иссиқлик микдорини ҳисобга олиш учун бошқарув шчитида ёки жойида ўрнатиладиган автоматлаштириш мосламалари, иссиқлик назорати ва тартибга солиш қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

225. Автоматлаштириш ва назорат воситалари доимий техник ходимларсиз (иш вақтининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган вақтида ходимлар иштирокисиз) иссиқлик пунктларининг ишлашини таъминлашни керак.

226. Иссиқлик пунктларини автоматлаштириш натижасида қуйдагилар таъминланиши лозим:

иситиш тизимида иссиқлик сарфини тартибга солиш ва истеъмолчидда тармок сувининг максимал истеъмолини чеклаш;
иссиқ сув таъминоти тизимида белгиланган сув ҳароратини таъминлаш;

иссиқлик истеъмоли тизимларида уларнинг мустақил уланishi билан статик босимни ушлаб туриш;
қайтиб келадиган кувур линиясидаги босимни ёки иссиқлик тармоқларининг етказиб бериш ва қайтариш қуворларида сувнинг керакли босимини ўрнатиш;

рухсат этилган чегара параметрларидан ошиб кетиш хавфи туғилганда, иссиқлик истеъмоли тизимларини юқори босим ёки сув ҳароратидан ҳимоя қилиш;

ишни насос ўчирилганда захира насосини ёқиси;
бак аккумуляторда сувнинг белгиланган юқори сатҳига эришилганда сув беришни тўхтатиш ва пастки сатҳдан тушиб кетганда эса сув олишни тўхтатиш;
иситиш тизимини бўшашидан ҳимоя қилиш.

##### 3-§. Диспетчерлик бошқаруви

227. Худуд жиҳатдан иншоотлари алоҳида-алоҳида бўлган корхоналарда диспетчерлик бошқаруви ташкил этилади.

228. Диспетчерлик бошқаруви бутун шаҳар учун иссиқлик тармоқларининг келажақдаги ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак. Асосланган ҳолларда – иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда шаҳарнинг бир қисми учун ишлаб чиқаришга йўл қўйилади.

229. Иссиқлик тармоқлари учун, одатда, битта марказий диспетчерлик пункти бўлган бир босқичли диспетчерлик бошқаруви тузилмаси назарда тутилади. Йирик иссиқлик таъминоти тизимлари (аҳолиси 1 миллион кишидан ортиқ бўлган шаҳарларда) ёки тарихий тузилмаси мураккаб бўлган тизим учун шаҳарнинг марказий диспетчерлик маркази билан тунан диспетчерлик марказларига эга бўлган икки босқичли диспетчерлик бошқаруви тузилмаси назарда тутилиши керак.

Иссиқлик қуввати 100 МВт дан кам бўлган иссиқлик тармоқларининг диспетчерлик бошқаруви шаҳар ёки тумanning ағона диспетчерлик хизмати таркибига кириadi.

230. Иссиқлик тармоғи корхоналарининг янги қурилган бошқарув хоналари таъмирлаш ва эксплуатация базасининг биноларида жойлаштирилади.

231. Техник-иктисодий жиҳатдан асосланганда шаҳарларнинг иссиқлик тармоқлари учун технология жараёнлари бошқарувининг автоматлаштирилган тизимлари қўлланилиши мумкин.

##### 4-§. Телемеханизация

232. Телемеханизациялашнинг техник воситаларидан фойдаланиш диспетчерлик назоратининг вазифалари билан белгиланади ҳамда лойиҳалашга бўлган техник топшириққа мувофиқ бошқариш, сигнал бериш, назорат қилиш ва автоматлаштиришнинг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда бир мажмуада ишлаб чиқилади.

233. Телемеханизация тизимлари насос станцияларини техник ходимлар иштирокисиз барқарор ишлашини таъминлаши керак.

234. Насос ва марказий иссиқлик пунктлари учун қуйдаги телемеханика қурилмалари кўзда тутилади:

жиҳозларнинг носозлиги тўғрисида ёки назорат қилинаётган параметрларнинг белгиланган қийматининг бузилиши (умумлаштирилган сигнал) ҳақида масофавий сигналзация (телесигнал);
электрузатмали арматурага эга насосларни масофадан туриб ишга тушириш ва тўхтатиш;
электрузатмали арматурага эга арматураларни, насосларни ва насосхонани электр қучланиш билан таъминловчи коммутиацион аппаратларнинг ҳолати ҳақида масофавий сигналзация (телесигнал);
иссиқлик ташувчи босими, ҳарорати ва сарфининг телеметрияси (ўлчови); электр двигателларда – статор токи телеметрияси;
байпас қуворларидаги телебошқариладиган (масофадан бошқариладиган) зунфинлар электрузатмали арматурага эга бўлиши керак. Бошқарув схемаларида, асосий ва байпас (унинг айланиб ўтиш) қуворларидаги зунфиннинг электр моторларни блокировка қилиш лозим.

Иссиқлик тармоқларининг тақсимлаш марказларида, зарурат бўлганда қуйдагилар таъминланади:
иссиқлик ташувчини етказиб бериш ва қайтиш қуворларидаги иссиқлик ташувчининг босими, тармоқланган қуворларни қайтиш қуворларидаги иссиқлик ташувчининг ҳароратини масофадан туриб ўлчаш;
оператив аҳамиятга эга бўлган берkitиш зунфинлари ва тартибга солувчи клапанларни масофадан туриб бошқариш.

235. Иссиқлик тармоқларининг иссиқлик манбаларидан чиқишида қуйдагилар назарда тутилиши керак:
тармоқ сувини етказиб бериш ва қайтариш қуворларида, шунингдек буг ва конденсат қуворларидаги иссиқлик ташувчининг босими, ҳарорати сарфи ва тизимни тўлдирувчи сув микдорини масофадан туриб ўлчаш (телеметрия);
тизимни тўлдирувчи сув микдорини, етказиб бериш ва қайтариш қуворлари орасидаги босимлар фарқини чегара қийматлари ҳақида факулулда огоҳлантириш телесигналлари.

236. Телемеханика ускуналари, телеаҳборот датчиклари факулолда вазиятларда сув ва бунгинг ишбу ускуналарга таъсири бартараф этилган, электр техник қурилмаларига эга хоналар билан бирилаштирилган ҳолда, махсус хоналарда жойлаштирилиши керак.

237. Сенсорларни танлаш сигнални бошқарув ҳонасига ва бошқариладиган объектининг бошқарув панелига бир вақтнинг ўзида узатиш асосида амалга оширилиши керак.

риладиган объектининг бошқарув панелига бир вақтнинг ўзида узатиш асосида амалга оширилиши керак.

##### 5-§. Уланиш

238. Диспетчерлик пунктлари оператив (диспетчерлик) телефон алоқаси билан таъминланган бўлиши керак.

Иссиқлик тармоқларидаги ходимлар билан тезкор алоқа, одатда, уяли телефон тармоғи ёки кабелларда ётқизилган телефон алоқа каналлари орқали амалга оширилади. Бунда шаҳар телефон тармоқларини энергия тизимларининг алоқа каналларидан фойдаланиш мумкин. Умумий кабелда алоқа ва телемеханика каналларининг максимал қомбinationясини таъминлаш керак.

Иссиқлик тармоқларидаги назорatchи ходимлар ва базанинг эксплуатацион ходимлари ўртасида алоқа тармоқларига техник хизмат кўрсатувчи транспорт воситасида ўрнатилган радиотелефон станцияси ёки уяли телефон тармоғи орқали ташкил этилиши керак.

Иссиқлик тармоқларини эксплуатация қилиш базасида АТС ўрнатилиши мумкин.

#### 14-БОБ. ҚУРИЛИШНИНГ МАХСУС ТАБИЙ ШАРОИТЛАРИДА ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШГА ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР

##### 1-§. Умумий талаблар

239. Сейсмик фаоллиги 7 ва ундан ортиқ балга эга ҳудудларда, шунингдек қўчқадиган, шўрроқ, қўлчиган, чўқиндили ва уярма грунтларга эга бўлган ҳудудларда иссиқлик тармоқлари ва иншоотларни лойиҳалашда ишбу бобнинг талабларига риоя қилиниши керак.

***Изоқ:** ишбу бобдаги талаблар ҳисобга олинмаган ҳолларда I типдаги қўчқадиган грунтларда иссиқлик тармоқларини лойиҳалашга йўл қўйилади.*

240. Иссиқлик тармоқларини ўтказиш йўналишини танлашда ер ости қазилган ва беқарор ва чўкма тупроқлари бўлган майдонлардан ўтказишни олдინи олиш ёки ер юзасининг энг кам қутилган деформациясига эга бўлган ва чўкма, шўрроқ, қўлчиган, балчиқли ва уярма тупроқлар қатламларининг умумий қалинлиги бўйича ўтказиш шaroити бўлган жойлардан тармоқларни ўтказишни назарда тутиш лозим.

241. Қувур диаметрлари ва иссиқлик ташувчи параметрларидан қати назар, ўчириш, назорат қилиш ва хавфсизлик арматуралари пўлатдан ясалган бўлиши керак.

242. Секцияга ажратувчи зунфинлар орасидаги масофа 1000 м дан ошмаслиги керак. Асослаб берилганда транзит қуворларидаги масофани 3000 м гача оширишга йўл қўйилади.

243. Иқлимий ва табиий шароитларда фойдаланишга рухсат этилган металл ва эгилувчан нометалл қуворлардан фойдаланилган ҳолда иссиқлик тармоғи ўтказилиши мумкин.

244. Шартли диаметри *D* ≤ 400 мм бўлган иссиқлик тармоқларини каналсиз ўтказишга йўл қўйилади.

245. Иситиш тармоғини бинога киритишда, киритилган қуворларни бино билан бирга мослашувчан тарзда силжishi имконияти бўлиши керак. Ташки девор ва бинога энг яқин жойлашган қувур таянчи орасидаги масофа, мустақамлик шарти бўйича максимал рухсат этилган масофада бўлиши назарда тутилиши лозим.

Қувурлар пойдевордан (девордан) ўтадиган жойда, қувур юзаси ва ўрнатилган гилза ўртасидаги халқали тижши 20-30 мм бўлиши керак. Тирқиш 150-200 мм чуқурликкача ўқ бўйича силжишга тўсқинлик қилмайдиган сальникли тижин билан зич қилиб берkitилган бўлиши керак.

246. Қувурлар насосларга, сув иситгичларга, резервуарларга ва бошқа жиҳозларга уланган жойларида сейсмик тебранишлар ёки тупроқ деформацияси пайтнда қуворларнинг учларини жиҳозлар билан биригалликда мослашувчан компенсацияли ҳаракатланиш имконияти таъминланиши керак.

##### 2-§. Сейсмиклик фаоллиги 7 ёки ундан ортиқ балл бўлган ҳудудлар

247. Сейсмик ҳудудларда ўтказиляётган иссиқлик тармоқларининг бино ва иншоотлари ҚМҚ.2.01.03 талабларига мувофиқ лойиҳаланиши лозим. Бунда магистрал иссиқлик тармоқларининг бино ва иншоотлари жавобгарлиқнинг II тоифасида, қолганлари эса III тоифада қабул қилинади.

Ҳисобланган сейсмиклик қурилиш майдонининг сейсмиклигига тенг деқисибланади.

248. Иссиқлик тармоқлари биноларни кесиб ўтishi ёки уларнинг деворлари, устуллари ва бошқалар бўйлаб транзит тармоқларини ётқизиш фақат IV тоифа масуулыятга эга боллар учун йўл қўйилади.

249. Иситиш тармоғининг сунгиги қўзғалмас таянчи ва биноларнинг қурилиш конструкцияларидаги биринчи қўзғалмас маҳкамлашни орасидаги қувур участкаси, иссиқликдан кенгайиш ва сейсмик ҳаракат тўғййли участка учларининг максимал мумкин бўлган узаро силжishi натижасида ҳосил бўлган умумий узайишнини компенсациялашга ҳисобланган бўлиши керак.

250. Сальникли компенсаторларни ҳисобланган компенсациялаш қобилиятини конструкциясида назарда тутилганидан 100 мм камроқ олиш лозим.

251. Қувурларнинг ҳаракатланувчи роликли ва шарли таянчларидан фойдаланилмайди.

##### 3-§. Ишлов бериладиган ҳудудлар

253. Иссиқлик тармоқларини ўтказишнинг барча усулларида қуворларнинг иссиқлик таъсиридан узайиш ва ер юзаси деформацияларини таъсиридан қўшимча силжиларни қоплаш учун тармоқнинг бурилиш бурчаклари ва қуворлардан асалган эгилувчан компенсаторлардан фойдаланиши керак.

Сальникли компенсаторлардан фақат ер юзасида тўсиқлар пайдо бўлиши қутилмайдиган ҳудудда фойдаланиш лозим.

254. Эгилувчан компенсаторларни ўлчамларини аниқлашда, ўз-ўзидан компенсация қилиш учун қувур участкаларини ҳисоблаш ва сальникли компенсаторларнинг танлашда мазкур ШНҚнинг 125 ва 126-бандларида мувофиқ аниқланган иссиқлик узаийишдан ташқари қўшимча равишда ер юзасининг деформациялари таъсиридан келиб чиқадиган силжиларни ҳисобга олиш керак *Δb*, мм,

*ΔL* қуйидаги (24) формула билан аниқланади:

*ΔL* ± *m*ε € *L*, (24)

бу ерда, *m*ε – коэффициентни қуйидаги 7-жадвалга мувофиқ олинади;

€ – қон-геологик маълумотларга кўра ишлаётган ҳар бир қондан деформациялар таъсир қилиш зоналари чегараларидаги трассаннинг ҳар бир участкаси учун олинган ер юзасининг нисбий горизонтал деформациясининг қутилаётган қиймати, м/м;

*L* – қўзғалмас қувур таянчлари орасидаги масофа, м.

##### 7-жадвал

Қувур трассасининг ишлов берилиши лозим бўлган қисмининг узунлиги, м	30 – 50	51 – 70	71 – 100	101 ва ундан кўп
Кoeffициент <i>m</i> ε	0,7	0,6	0,5	0,4
<b>Изоқ:</b> қачон қиймат € = 1 <i>m</i> тм ва ундан кам бўлганда қўшимча узайтириш ҳисобга олинмайди				

255. Каналлар ва туннелларда деформацион чоклар кўзда тутилиши керак. Каналлар ва туннеллар учун чокларнинг умумий кенлиги ҚМҚ.2.01.09 бўйича аниқланади.

256. Иссиқлик тармоқлари ер остида ўтказилганда, иссиқлик тармоқларининг ва улар билан бир йўналишда бўлган дренаж қуворларининг нишаблиги, қон ишлари таъсирюда ер сиртининг қутилаётган оғишлиқларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши керак.

##### 4-§. Чўкма, шўрроқ ва қўлчиган тупроқлар

257. Иссиқлик тармоқларини лойиҳалашда, қурилиш конструкцияларининг ўта чўкиши натижасида, қуворларнинг рухсат этилган ҳисобий қийматидан ортиқ эгиллиши вужудга келмаслиги учун, бу ҳоллардан олдини олувчи чора-тадбирлар назарда тутилиши керак.

258. Чўкиш бўйича I типдаги тупроқларда, шунингдек шўрроқ ва

# Меъёрий ҳужжат: ШНҚ

# 3

## Тўққунчи бўлим. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирининг 2022 йил 10 ноябрдаги 198-сон буйруғига ИЛОВА**

## 1. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши

1.1. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 11-модулига қўшимча қилиниши керак.

1.2. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 12-модулига қўшимча қилиниши керак.

1.3. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 13-модулига қўшимча қилиниши керак.

1.4. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 14-модулига қўшимча қилиниши керак.

1.5. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 15-модулига қўшимча қилиниши керак.

1.6. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 16-модулига қўшимча қилиниши керак.

1.7. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 17-модулига қўшимча қилиниши керак.

1.8. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 18-модулига қўшимча қилиниши керак.

1.9. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 19-модулига қўшимча қилиниши керак.

## 2. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 20-модулига қўшимча қилиниши керак

2.1. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 20-модулига қўшимча қилиниши керак.

2.2. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 21-модулига қўшимча қилиниши керак.

2.3. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 22-модулига қўшимча қилиниши керак.

2.4. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 23-модулига қўшимча қилиниши керак.

2.5. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 24-модулига қўшимча қилиниши керак.

2.6. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 25-модулига қўшимча қилиниши керак.

2.7. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 26-модулига қўшимча қилиниши керак.

2.8. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 27-модулига қўшимча қилиниши керак.

2.9. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 28-модулига қўшимча қилиниши керак.

2.10. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 29-модулига қўшимча қилиниши керак.

2.11. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 30-модулига қўшимча қилиниши керак.

2.12. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 31-модулига қўшимча қилиниши керак.

2.13. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 32-модулига қўшимча қилиниши керак.

2.14. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 33-модулига қўшимча қилиниши керак.

2.15. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 34-модулига қўшимча қилиниши керак.

2.16. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 35-модулига қўшимча қилиниши керак.

2.17. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 36-модулига қўшимча қилиниши керак.

2.18. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 37-модулига қўшимча қилиниши керак.

2.19. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 38-модулига қўшимча қилиниши керак.

2.20. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг янги ва қайта қурилуши тартиб-регламининг 39-модулига қўшимча қилиниши керак.

2.21. Қўриқлар, сув ресурслари ва муҳим объектларнинг

# 4 | Меъёрий ҳужжат: ШНҚ

**О‘ЗBEKISTON BUNYODKORI  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА**  
№84 (737) 2023 йил 26 сентябрь

3-Бет

## ШНҚ 2.04.07-22 “ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИ” ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ШНҚ 2.04.07-22  
“Иссиқлик тармоқлари”  
шаҳарсозлик нормалари ва  
қоидаларига  
2-илова

**ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ УМУМЙ МАЙДОНИНИНГ  
1 М² НИ ИСИТИШ УЧУН САРФ БЎЛАЁТГАН  
МАКСИМАЛ ИССИҚЛИК МИҚДОРИНИНГ  
ЙИРИКЛАШТИРИЛГАН КЎРСАТКИЧЛАРИ  $q_{ov}$ , W**

Турар жой биноларининг таснифи	Биноларнинг қаватлиги	Иситиш тизимини лойиҳалаш учун ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, t, °C				
		5°C	10°C	15°C	20°C	25°C
1985 йилгача қурилган бинолар учун						
Энергияни тежовчи чора-тадбирлар ҳисобга олинмаганда	1-2	148	154	160	205	213
	3-4	95	102	109	117	126
	5 ва ундан ортиқ	65	70	77	79	86
Энергияни тежовчи чора-тадбирлар ҳисобга олинганда	1-2	147	153	160	194	201
	3-4	90	97	103	111	119
	5 ва ундан ортиқ	65	69	73	75	82
1985 йилдан кейин қурилган бинолар учун						
Янги намунавий лойиҳаларга кўра	1-2	145	152	159	166	173
	3-4	74	80	86	91	97
	5 ва ундан ортиқ	65	67	70	73	81

**Изоҳлар:**  
энергияни тежовчи чора-тадбирлар капитал ва жорий таъмирлаш жараёнида биноларни иссиқлик йўқотилишларини камайтиришга йўналтирилган иссиқлик изоляциясини қўллаш билан амалга оширилади;  
янги намунавий лойиҳалар бўйича қурилган биноларнинг йириклаштирилган кўрсаткичлари, иссиқлик йўқотилишларини камайтирадиган, илғор конструктив-режалаш ечимларни жорий қилиш ва иссиқлик физикавий ҳоссалари яхшиланган қурилиш конструкцияларини қўллашни эътиборга олиб келирилади.

ШНҚ 2.04.07-22  
“Иссиқлик тармоқлари”  
шаҳарсозлик нормалари ва  
қоидаларига  
3-илова

## ИССИҚ СУВ ТИЗИМИГА БЕРИЛАЁТГАН ЎРТАЧА ОЛИНҚЛИК МИҚДОРНИ ЙИРИКЛАШТИРИЛГАН КЎРСАТКИЧЛАРИ $q_h$

Иситиш тизими ишлаётган даврда, иссиқ сув билан таъминлаш тизимига эга бинода истиқомат қилаётган бир кишига, бир кеча- кундузда, ҳарорати 55°C бўлган иссиқ сувнинг ўртача меъёрий сарфи, l	Бинода яшаётган бир киши учун, Вт		
	Иссиқ сув таъминотиغا эга	Жамоат биноларидаги сув сарфи ҳисобга олинган ҳолда иссиқ сув таъминотиغا эга	Жамоат биноларидаги сув сарфи ҳисобга олинган ҳолда иссиқ сув таъминотиغا эга эмас
85	247	320	73
90	259	332	73
105	305	376	73
115	334	407	73

ШНҚ 2.04.07-22  
“Иссиқлик тармоқлари”  
шаҳарсозлик нормалари ва  
қоидаларига  
4-илова

## БИНОЛАРНИ ИСИТИШ, ШАМОЛЛАТИШ ВА ИССИҚ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИГА МУАЙЯН ДАВР (ОЙ, ИСИТИШ ДАВРИ, ЙИЛ ВА Ҳ.К) МОБАЙНИДА САРФЛАНАДИГАН ИССИҚЛИК МИҚДОРИ ҲИСОБИ

Ҳисобий даврда, ўртача суткалик иссиқлик юкломаси қуйидаги (1-4) формулалар бўйича аниқлаш лозим, kJ/d:

- биноларни иситиш учун  $Q_{ov}$ :

$$Q_{ov} = 86,4 Q_{om} \quad (1)$$

- биноларни шамоллатиш учун  $Q_{ov}$ :

$$Q_{ov} = 3,6 Z Q_{om} \quad (2)$$

- иситиш даврида, сутка давомида иссиқ сув билан таъминлаш учун  $Q_{ov}$ :

$$Q_{ov} = 86,4 Q_{om} \quad (3)$$

иситиш тизими ишламаган даврда  $Q_{ov}$ :

$$Q_{ov} = 86,4 Q_{om} \quad (4)$$

бу ерда, Z – сутка давомида шамоллатиш тизимини ўртача ишлаш вақти (маълумотлар бўлмаганда жамоат бинолари учун 16 соат).

Ҳисобий даврда истеъмолчиларга берилаётган умумий иссиқлик миқдори, kJ, мос ҳолда тизимнинг эҳтиёжи учун сутка давомидаги ўртача иссиқлик юкломаларини, шу ўртача қийматга эга суткалар сонига кўпайтириш орқали аниқланади.

Иссиқ сув билан таъминлаш тизимига берилаётган иссиқлик миқдорини ҳисоблашда, иситиш тизими ишламаётган даврда тизимнинг режали равишда умумий 15 сутка давомида ўчирилишини ҳисобга олиш зарур.

ШНҚ 2.04.07-22  
“Иссиқлик тармоқлари”  
шаҳарсозлик нормалари ва  
қоидаларига  
5-илова

## СУВЛИ ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ ТЎЛДИРИБ ТУРИШ УЧУН БЕРИЛАЁТГАН СУВ МИҚДОРНИ, ЗАХИРА БАКИ ВА АККУМУЛЯТОР БАКИНИНГ СОНИ ВА ҲАЖМИНИ ҲИСОБЛАШ ВА УЛАРНИ ЎРНАТИШ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

1. Иссиқлик тармоғини тўлдириш учун берилаётган ҳисобий сув сарфи қуйидагича қабул қилинади, (m³/h):

ёпиқ иссиқлик билан таъминлаш тизимларида – иссиқлик тармоқлари ва уларга уланган биноларни иситиш ва шамоллатиш тизимлари қувурларидаги сувнинг амалий ҳажмини – 0,75% га тенг миқдорда (шу ўринда, узунлиги 5 km дан ортиқ бўлган транзит магистрал иссиқлик тармоқлари учун, ҳисобий сув сарфи мазкур иссиқлик билан таъминлаш тизимлари магистрал қувурларидаги сув ҳажмининг 0,5% миқдорига қабул қилиниши лозим);

очиқ иссиқлик билан таъминлаш тизимларида – иссиқ сув билан таъминлаш тизимига берилаётган сув миқдорини 1,2 коэффициентини билан плус иссиқлик тармоқлари ва уларга уланган биноларни иситиш ва шамоллатиш тизимлари қувурларидаги сувнинг амалий ҳажмини – 0,75% га тенг миқдорда (шу ўринда, узунлиги 5 km дан ортиқ бўлган транзит магистрал иссиқлик тармоқлари учун, ҳисобий сув сарфи мазкур иссиқлик билан таъминлаш тизимлари магистрал қувурларидаги сув ҳажмининг 0,5% миқдорига қабул қилиниши лозим);

аккумулятор бакларига эга бўлган айрим иссиқ сув билан таъминлаш тизимлари учун – иссиқ сув билан таъминлаш тизимига берилаётган ўртача сув миқдорини 1,2 коэффициентини билан (аккумулятор баклари бўлмаганда – иссиқ сув билан таъминлаш тизимига берилаётган максимал соатлик сарфини 0,75% миқдорига плус тармоқ ва уларга уланган биноларни иссиқ сув билан таъминлаш тизими қувурларидаги сувнинг амалий ҳажмини – 0,75% га тенг миқдорига).

2. Иссиқлик билан таъминлаш тизимларидаги сув ҳажми, амалдаги сув ҳажми ҳақида маълумотлар бўлмаган тақдирда эса ёпиқ иссиқлик билан таъминлаш тизимида 1 MW ҳисобий иссиқлик миқдорига 65 м³, шунингдек очиқ тизим учун эса 1 MW ҳисобий иссиқлик миқдорига ҳамда 70 м³ ва алоҳида иссиқ сув билан таъминлаш тизимига эга бўлганда 1 MW ҳисобий иссиқлик миқдорига 80 м³ ҳажмдаги сув қабул қилинади.

3. Иссиқлик таъминотининг очиқ ва ёпиқ тизимларида қўшимча равишда авариявий ҳолатларда кимёвий ишлов берилмаган ва дезаэрацияланмаган сув билан таъминлашни назарда тутиш ҳамда унинг миқдори тизимидаги иссиқлик тармоқлари ва уларга уланган биноларни иситиш, шамоллатиш ва иссиқ сув билан таъминлаш тизимлари қувурларидаги сувнинг амалий ҳажмининг 2,0% га тенг миқдорига қабул қилиш лозим.

Иссиқлик манбаи коллекторидан чиқиб келувчи бир неча алоҳида – алоҳида иссиқлик тармоқлари мавжуд бўлганда, талафотга қарши сув билан тўлдириш, ҳажмига кўра энг катта иссиқлик тармоғи учун аниқланади.

Очиқ иссиқлик билан таъминлаш тизими учун талафотли сув билан тўлдириш, фақат ҳўжалик ичимлик суви билан таъминлаш тизимидан амалга оширилиши лозим.

4. Иссиқлик таъминотининг очиқ тизими, шунингдек иссиқ сув билан таъминлаш тизимининг алоҳида тармоқлари учун иссиқ сув таъминотининг ўртача сарфига нисбатан 10 баробари ҳажмида кимёвий ишлов берилган ва дезаэрацияланган сув захирасига эга бўлган аккумулятор баклари кўзда тутилиши лозим.

Қуввати 100 MW ва ундан ортиқ бўлган иссиқлик манбаига эга ёпиқ иссиқлик билан таъминлаш тизимларида, иссиқлик билан таъминлаш тизимидаги сув ҳажмини 3% миқдоридида химиявий тозаланган ва дезаэрацияланган сув ҳажмига эга захира баклари ўрнатилиши назарда тутилиши лозим. Захира бакларини уланиш схемалари баклардаги сувларни доимо янгилаб туришини таъминлаши керак. Бакларнинг сони иссиқлик билан таъминлаш тизимининг туридан қатъи назар, ҳар бири ишчи ҳажмининг 50% миқдорига тенг қилиб камида иккита қабул қилинади.

5. Иссиқ сув билан таъминлаш тизимининг аккумулятор баклари иссиқлик манбаида ҳам, шунингдек иссиқликни истеъмол қилаётган ҳудудда ҳам ўрнатилиши мумкин.

Бунда иссиқлик тармоғидаги аккумулятор бакиннинг ҳажми, бакларнинг умумий ҳисобий ҳажмининг 25% дан кам бўлишига йўл қўйилмайди.

6. Бак аккумуляторларнинг ички юзаси коррозиядан, сув эса азэрациядан химоя қилинган бўлиши керак.

7. Баклар гуруҳи баландлиги камида 0,5 m бўлган тупроқли тўсиқ билан химояланган бўлиши керак. Тўсилган ҳудудга энг катта ҳажмли бак сичиши ва бу ҳудуддан сувни оқова сув тизимига чиқариб юбориш тизимига эга бўлиши лозим.

8. Иссиқ сув аккумулятор бакларини турар жой мавзеларида ўрнатилишига йўл қўйилмайди. Иссиқ сув аккумулятор бакларидан турар жой мавзелари чегарасигача бўлган масофа камида 30 m бўлиши керак.

Чўкиши бўйича биринчи тоифали грунтларда ҳажми иншоотлардан турли вазифаларга мўлжалланган бина ва иншоотларнинг заминлиригача бўлган энг қисқа масофа чўкувчан грунт қатламнинг 1,5 баробаридан кам олинмаслиги баробарида камида 30 m бўлиши таъминланиши лозим.

Аккумулятор баклари иссиқлик манбаи ҳудудидан ташқарида жойлаштирилганда бегона шахсларни киришини истисно қилиш мақсадида баландлиги 2,5 m бўлган тўсиқ билан тўсилишини кўзда тутиш лозим.

ШНҚ 2.04.07-22  
“Иссиқлик тармоқлари”  
шаҳарсозлик нормалари ва  
қоидаларига  
6-илова

## ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИ ҚУВУРЛАРИНИ ГИДРАВЛИК ҲИСОБЛАШ УЧУН ФОРМУЛАЛАР

Аниқланаётган катталиқлар	Ўлчов бирлиги	Формула
Ишқаланиш ва маҳаллий қаршиликлар натижасида қувурлардаги сув босимини умумий йўқолиши	Pa	$\Delta P = R \cdot l'$
Босимнинг ишқаланиш туфайли солиштирма йўқолиши	Pa/m	$R = 6,27 \cdot 10^{-8} \lambda \frac{G^{2,75}}{D^5 \cdot \rho}$
Қувурнинг ички диаметри	m	$D_i = \sqrt[5]{\frac{6,27 \cdot 10^{-8} \lambda \cdot D_o^{2,75}}{R \cdot \rho}}$
Қувурнинг келтирилган узунлиги	m	$l' = l + l_e$
Маҳаллий қаршиликларни эквивалент узунлиги *	m	$L_s = \sum \xi \frac{D_i}{\lambda}$
Гидравлик ишқаланиш коэффициенти: квадрат қонун соҳаси учун (Re=Re' ва катта)	-	$\lambda = 1 / (1,14 + 2l_g D_i / K_s)^2$
Re нинг ҳар қандай қиймати учун	-	$\lambda = 0,11 / (K_s / D_i + 68 / Re_s)^{0,25}$
Ўттиш ва квадрат қонун соҳалари чегараларини тавсифловчи Рейнольдснинг чегаравий сони	-	$Re' = 560 D_i / K_s$

\*Иссиқлик тармоқларининг қувурларидаги маҳаллий қаршиликларнинг сони ва хусусиятлари ҳақида маълумотлар бўлмаса, маҳаллий қаршиликларнинг умумий эквивалент узунлиги, участкадаги қувур узунлигини мазкур ШНҚ нинг 7-иловасидан қабул қилинган аниқлаштирувчи коэффициент а, га кўпайтириш орқали аниқланади.

ШНҚ 2.04.07-22  
“Иссиқлик тармоқлари”  
шаҳарсозлик нормалари ва  
қоидаларига  
7-илова

## МАҲАЛЛИЙ ҚАРШИЛИКЛАРНИНГ УМУМЙ ЭКВИВАЛЕНТ УЗУНЛИГИНИ АНИҚЛАШ УЧУН $a_1$ КОЭФФИЦИЕНТ

Компенсаторларнинг турлари	Қувурнинг шартли диаметри, mm	$a_1$ коэффицент қиймати	
		буг қувурлари учун	сувли ва конденсат қувурлар учун
Транзит иссиқлик тармоқлари (тармоқланишсиз)			
Сальникли	1400 гача	0,2	0,2
П-шаклидаги, букилган отводга эга	300 гача	0,5	0,3
П-шаклидаги, пайвандланган ёки кескин бурилган отводга эга	200-350	0,7	0,5
Шунинг ўзи	400-500	0,9	0,7
Шунинг ўзи	600-1400	1,2	1,0
Бошқа турдаги иссиқлик тармоқлари			
Сальникли	400	0,4	0,3
Шунинг ўзи	450-1400	0,52	0,4
П-шаклидаги, букилган отводга эга	До 150	0,5	0,3
Шунинг ўзи	175-200	0,6	0,4
Шунинг ўзи	250-300	0,8	0,6
П-шаклидаги, пайвандланган ёки кескин бурилган отводга эга	175-250	0,8	0,6
Шунинг ўзи	300-350	1,0	0,8
Шунинг ўзи	400-500	1,0	0,9
Шунинг ўзи	600-1400	1,2	1,0
<b>Изоҳ:</b> участкадаги маҳаллий қаршиликларнинг умумий эквивалент узунлигини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади: $l_s = l \cdot a_1$ , бу ерда l – режага кўра участкадаги қувурнинг узунлиги, m; $a_1$ – маҳаллий қаршиликлардаги босим йўқолишини, ишқаланиш натижасида йўқотилаётган босим йўқолишига нисбатан улушини ҳисобга олувчи коэффициент.			

ШНҚ 2.04.07-22  
“Иссиқлик тармоқлари”  
шаҳарсозлик нормалари ва  
қоидаларига  
8-илова

## ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ЁКИ ҚУВУРЛАР КАНАЛСИЗ ЎТКАЗИЛГАНДА ҚУВУРЛАР ИЗОЛЯЦИЯСИНING ҚОБИҒИДАН ИНШОТЛАР ВА МУҲАНДИСЛИК ТАРМОҚЛАРИГАЧА БЎЛГАН МАСОФАЛАР

1-жадвал

Иншоотлар ва муҳандислик тармоқлари	Вертикал бўйича энг қисқа масофа, m
Иссиқлик тармоқлари ер остидан ўтказилганда	
Сув билан таъминлаш қувурлари, газ, оқова сув қувурлари ва сув оқувчи (водосток) қувурларгача	0,2
Зирхланган алоқа кабелларигача	0,5
Кучланиши кабелларигача 35 kV гача бўлган кучланиш ва назорат	0,5 – 5 изоҳ талабларига риоя қилинганда
Кучланиши 110 kV дан ортиқ бўлган мой тўлдирилган кабелларгача	1,0 – 5 изоҳ талабларига риоя қилинганда
Телефон коммуникацияси блокигача ёки қувурлар ичидаги зирхланган кабелгача	0,15
Саноят корхоналари темир йўллари рельсларини остигача	1,0
Умумий тармоқларнинг темир йўлларигача	2,0
Трамвай йўлларида	1,0
I, II и III тоифадаги умумий тармоқ автомобиль йўлларининг йўл қопламасининг устигача	1,0
Кювет ёки бошқа сув чиқариб юборилувчи иншоотлар тубигача ёки темир йўлларнинг тупроқ зичлигининг асосигача (иссиқлик тармоқлари шу иншоотлар тагидан ўтган бўлса)	0,5
Метрополитен иншоотларигача (иссиқлик тармоқлари шу иншоотлар устидан ўтган бўлса)	1,0
Иссиқлик тармоқлари ер устидан ўтказилганда	
Темир йўл рельслари каллагигача	Габаритлари ГОСТ 9238 ва ГОСТ 9720 бўйича “С”, “Сп”, “Су”
Автомобиль йўлларининг қатнов қисмининг устигача	5,0
Пидедалар йўлининг устигача	2,2
Трамвай контакт тармоғи қисмларигача	0,3
Троллейбус контакт тармоғи қисмларигача	0,2
Электр узатиш линияларидаги, қуйидаги кучланишларга эга, ҳаводан ўтган симларнинг энг катта салқиган масофасигача, kV:	1,0 1 kV гача 1-20 35-110 150 220 330 500

**Изоҳлар:**  
Иссиқлик тармоқларининг ер юзасидан ёки йўл қопламасидан (I, II ва III тоифасидан ташқари) чуқур жойлашиши қуйидагича қабул қилинади:

а) каналлар ва туннелларнинг ораёпмаларини устигача – камида 0,5 m; б) камераларнинг ораёпмаларини устигача – камида 0,3 m;

в) каналсиз ўтказилган изоляция қобиғи устигача – камида 0,7 m (йўлларнинг транспорт қатнамайдиган қисмларида камералар, туннел ва каналларнинг шамоллатиш ораёпмаларини ер сиртидан камида 0,4 m баландликка чиқиб туришига йўл қўйилади);

г) иссиқлик тармоқларни бинога кирвершишда ер сиртидан канал ёки туннеллар ораёпмаларининг устигача – 0,3 m ва каналсиз ўтказилган изоляция қобиғи устигача – 0,5 m;

д) ер ости сувларининг сатҳи билан бўлганда, канал ва туннелларни жойлашиш чуқурлигини камайтириш ҳамда ораёпмаларнинг ер сатҳидан камида 0,4 m баландликда жойлашишига (агар бунда транспорт ҳаракати шароитлари бузилмаса, йўл қўйилади);

Иссиқлик тармоқлари ер устида паст таянчларда ўтказилганда, ер сиртидан қувурларнинг иссиқлик изоляцияси қобиғигача бўлган масофа қуйидаги қийматлардан кичик бўлмаслиги лозим:

а) қувурлар гуруҳининг кенглиги 1,5 m гача бўлганда – 0,35 m;

б) қувурлар гуруҳининг кенглиги 1,5 m дан ортиқ бўлганда – 0,5 m;

Иссиқлик тармоқлари ер остида ўтказилганда, улар кучланишли алоқа кабеллари билан кесишган тақдирда уларни остида ёки устида жойлашиши мумкин;

Каналсиз ўтказилган очиқ иссиқлик билан таъминлаш тизимининг иссиқлик тармоқлари ёки иссиқ сув билан таъминлаш тармоқларидан, улардан юқорида ёки пастда жойлашган оқова сув тармоқларигача бўлган масофа камида 0,4 m бўлиши керак;

Иссиқлик тармоқларини электр кабеллари билан кесиши жойларида кучланиши 35 kV гача бўлган кучланиш ва назорат кабеллари ўтказилган чуқурлигидаги грунтнинг ҳарорати, четки кабеллардан 2 m гача бўлган масофада тупроқнинг ёзи энг юқори ўртача ойлик ҳароратига нисбатан 10°C дан ва киши энг паст ўртача ойлик ҳароратига нисбатан 15°C дан ортиқ бўлмаслиги, мой тўлдирилган кабель ётқизилган чуқурликдаги тупроқ ҳарорати эса четки кабеллардан 3 m гача бўлган масофада тупроқ йилнинг исталган вақтидаги ўртача ойлик ҳароратига нисбатан 5°C дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Телефон канализацияси блокигача ёки қувур ичидаги зирхланган алоқа кабелгача бўлган масофалар ушбу тармоқларини лойиҳалашга доир идоровий қурилиш нормалари бўйича аниқлаштирилади.

Очиқ иссиқлик билан таъминлаш тизимларининг ер остидан ўтказилган сувли иссиқлик тармоқлари ва иссиқ сув билан таъминлаш тизимларидан эҳтимолий ифлосланиш манбала-ригача бўлган энг қисқа масофа қуйидаги 2-жадвалда келтирилган

2-жадвал

Ифлосланиш манбаи	Горизонтал бўйича энг қисқа масофа, m
1. Маиший ва саноят оқова сувлари қувурлари ва иншоотлари: – иссиқлик тармоқларини каналлар ва туннелларда ўтказилганда ҳамда иссиқлик тармоқлари каналсиз ўтказилганда: D <sub>в</sub> – 200 mm ва ундан кам; D <sub>в</sub> – 200 mm дан ортиқ,	1,0 1,5 3,0
2. Қабристонлар, ахлатхоналар, хайвонлар кўмилган жойлар, сугориладиган далалар: – ер ости сувлари бўлмаганда; – ер ости сувлари мавжуд ва ер ости сувлари иссиқлик тармоқлари томон ҳаракатланувчи филтрлаш тупроқларда бўлганда.	10,0 50,0
3. Ифлос сувлар хандаклари ва ювинди чуқурлари: – ер ости сувлари бўлмаганда; – ер ости сувлари мавжуд ва ер ости сувлари иссиқлик тармоқлари томон ҳаракатланувчи филтрлаш тупроқларда бўлганда.	7,0 20,0

**Изоҳ:** иссиқлик ва оқова сув тармоқлари параллел ўтказилганда, оқова сув тармоқлари иссиқлик билан таъминлаш тизими тармоқларидан пастда ўтказилган бўлса, горизонтал бўйича улар орасидаги масофа тармоқларни ўтказиш чуқурлиги фарқидан кам бўлмаслиги лозим (агарда юқорида жойлашган бўлса мазкур жадвалда келтирилган масофалар ўтказиш чуқур-ликлари фарқига оширилиши лозим).

Иссиқлик тармоқларининг қурилиш конструкцияларидан (қувурлар каналсиз ўтказилганда қувур изоляцияси сиртидан) иншоотлар ва муҳандислик тармоқлари орасидаги масофа қуйидаги 3-жадвалга кўра олинади.

▶ ДАВОМИ КЕЛГУСИ СОНЛАРДА

## БАРЧАСИ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

Азалдан илму фан, санъат ва маданият ўчоғи бўлиб келган азим Самарқанд вилояти бугунги кунда ҳам мамлакат ривожининг барча соҳаларида илғорликни қўлдан бой бермай келяпти. Бунёдкорлик, ижтимоий соҳа, тадбиркорлик ва тиббиёт каби аҳоли фаровонлигини таъминловчи йўналишлар бугун ҳам вилоятда кенг қамровда ривожланыпти. Буларнинг бари аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.



**А-378 “Самарқанд-Қарши” халқаро магистрал йўлининг 15 километр масофасининг ён-атрофини яшил майдонга айлантириш бўйича**

### 35 МИНГ

тулга яқин дарахт кўчати экилди.

## Қадимийликка уйғунлашадиган замонавийлик

Шухрат ЖУМАЕВ, Самарқанд шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хужалиғи бўлими бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Самарқанд шаҳрида “Ширин” замонавий ишбилармонлик маркази ва турар жойлар комплексини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. Буни азалдан етти иқлимга машҳур Самарқанд салоҳиятининг, салобатининг доимий англишига, кўҳна юрт хунармандчилиғи, қандолатпазлиғи, илм-фани, маданияту маърифатининг юқори даражада ривожлангани, одамларнинг меҳнаткаш, меҳмондўст, тадбиркор эканлигидан далолат берувчи омилга хизмат қилувчи тарихий воқелик, деб баҳолаш мумкин.

Ҳақиқатда ҳам, Самарқанднинг тарихи эътиборга лойиқ. Қачонки, Самарқанд ҳақида сўз очилганда шаҳарнинг кўҳна обидалари томоша қилинганда, беихтиёр тарихга, узоқ ўтмишга мурожаат қилинади. Ана шунда қанчадан-қанча буюклар – олим-фузалолар, авлиё анбиёлар билан “суҳбатга киришляди”, бу табаррук тупроқнинг ҳар қадамида, ҳар сиқимида илоҳийлик ҳис этилади.

Биламизки, Буюк ипак йўлида жойлашган қадимий Самарқанднинг асрларга тенгдош осори-атиқалари, хусусан, самолар сари интилган миноралари қаршисида ҳар қандай сайёҳ ўйга толади, ҳайратланади. Уларнинг меъморий услубларига, миллийлик уфуриб турган жиҳатларига қойил қолади. Шаҳардаги қадимийлик, ўзига хослик доимий тарзда эъзозланиб, муҳофиза қилиб келинапти. Айниқса, мустақиллик йилларида тарихий обидаларни ўз ҳолига қайтариш, таъмирлаш, реставрация қилишга эътибор кучайтирилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Янги Ўзбекистонга асос солиниши мамлакатнинг барча жойларидаги сингари Самарқанд қиёфасига ҳам ўзгача руҳ ўзгача жозиба эбса этди. Масалан, кўҳна шаҳар ёнида барпо этилган “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказининг ўтган йили очилиш маросими бўлиб ўтди. Шундан буён марказга дунёнинг не-не мамлакатла-

ри вакиллари келишди, кўплаб халқаро тадбирлар ўтказилди. Меҳмонлар “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказининг қадимий Самарқандга ярашиб тушганини қайта-қайта тақдорлашди. Улар халқимизнинг ақл-заковоти ва фидокорона меҳнати билан бунёд этилган ушбу марказ Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида яна бир дадил қадам бўлганини эътироф этишди.

“Самарқанд шаҳрида “Ширин” замонавий ишбилармонлик маркази ва турар жойлар комплексини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори асосида бажариладиган ишлар ҳам ана шундай улғурорликдан, эзгуликдан далолат бериб турибди. Қарорга кўра, Ширин массиви 665 гектар қанча майдонда қурилади, 85 гектар қишлоқ хўжалиғига мўлжалланган ер участкаларининг тоифаси ўзгарилади. Давлат банклари лойиҳага 100 миллион доллар эквивалентда кредит ажратади. “Маҳалла” фонди маблағларининг ҳам қурилиш лойиҳаларига жалб этилиши қувончли ҳолдир. Бу ҳисобдан 150 миллион сўм пул бериладиган бўлганининг ўзиёқ янги барпо этиладиган массивга эътибор қанчалик кучли эканини кўрсатади.

Хуллас, Самарқандда қадимийлик ва замонавийлик ҳаммиса уйғунлаштириб келинган. Ширин номи билан барпо этиладиган шаҳарча истиқболда ҳам ана шундай улғурликни кўраимиз.

## Табиатни софлигича сақлаш барчамизнинг бурчимиз!

Отабек АБДУЛЛАЕВ, Самарқанд тумани ҳокими ўринбосари.

Юртимизда экологик барқарорликни таъминлаш, аҳолига қулай шароит яратиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.



Авлодларимиз келгусида муносиб табиий муҳитга, тоза экологик шароитда яшашлари керак. Бунинг учун зарур чораларни белгиланган ҳолда тизимли ишларни олиб бориш зарур. Хусусан, ёш авлодга экологик маданиятни ошириш лозим. Бунга нурунийлар, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчиликнинг ўзи ўрнак бўлган ҳолда ёш авлод қалбидан она табиатга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин. Бу каби ишлар давомли бўлиши мақсадга мувофиқлигини Президентимиз ҳам алоҳида таъкидлади. Бугун ушбу ташаббусни Самарқанд туманидаги ҳар бир маҳалла ва ҳар бир хонадонда, ташкилотда кенг қўлоч ёйиши учун бор имкониятни ишга солганмиз.

Бу борада 2021-2022 йилларда туманимиз ҳудудидида 781 минг донга кўчат ва қаламчалар экиш режалаштирилди, шундан ўтган йилнинг кузидида 295 минг донга мева ва манзарали кўчатлар ўтказилди. Жорий йилнинг баҳор мавсумида эса 629 минг донга кўчат экиш ишлари амалга оширилди. Айни пайтда Самарқанд шаҳрининг ўзига хос яшил белбоғи ҳисобланган туманимизда бундай эзгу амаллар бир маромада давом этаётир. Бундан

ташқари, иқлимга мос, кам сув талаб қиладиган кўчатлар танлаб олинган ҳамда уларни етарли миқдорда етиштириш учун кўчатхоналар ташкил қилинган. Ушбу ишлар доирасида бозорлар, маҳаллалар ва аҳоли гавжум масканларда кўчат ярмаркалари ташкил этилиб, одамларга кўчатларни танлаш, экиш ва парвариш ишлари ўргатилмоқда.

Шунингдек, тумандан ўтувчи А-378 “Самарқанд-Қарши” халқаро магистрал йўлининг 15 километр масофасининг ён-атрофини яшил майдонга айлантириш бўйича 35 минг тулга яқин дарахт кўчати экилди. Эндиликда улар доимий назоратга олинган. Табиатни софлигича сақлаш барчамизнинг қўлимизда. Бунинг учун жуда оғир меҳнат талаб этилмайди. Шунчаки, чиқиндиларни белгиланган жойга ташлаш, бехуда ўт ёқиш, атмосферага зарар етказмаслик қифой. Яшаш ҳовлимизни озода сақлаб, турли мевали кўчатлар ўтказасак, фойдадан холи эмас.

Зеро, ҳар бир экилган дарахт ҳавони чангдан тозалаш, кислород ишлаб чиқариши билан бирга иқлим ўзгаришларига ижобий таъсир этиб, келажак авлодга яшил макон улашади.

## Имкониятлардан унумли фойдаланилмоқда

Янги йўллар қуриш, мавжудларини таъмирлаш, одамларнинг узоғини яқин қилишдек эзгу мақсаддаги ҳаракатларни ота-боболаримиз, хайрли иш, деб билишган. Шу ниятда улар бирлашишган, ҳашарлар ташкил қилишган. Анъанага айланиб қолган бундай удумлар ҳамон давом этмоқда. Халқимиз ўзлари истиқомат қиладиган ҳудудлар ободлиғи, турмуш фаровонлиғи йўлида ғайрат кўрсатмоқда, янги иншоотлар, йўллар барпо этипти.

Эътиборлиси, Президентимиз бошлаган ташаббусларга улар “лаббай” дея қўшилмоқда. Масалан, очик бюджет лойиҳаси асосида жойларда бажарилаётган юмушларни олайлик. Ўз худудининг ободлиғи йўлида қайғурадиганлар саяё-ҳаракатлари туфайли жойларда ҳаёт бутунлай ўзгариб бормоқда. Ташаббусларнинг қўлаб-қувватланиши натижада мавжуд йўллар, уй-жойлар, ижтимоий иншоотлар ва бошқа биноларни таъмирлаш, реконструкция қилиш, янгидан қуриш учун маблағ топилапти. Бу ишга ўзларини дахлдор деб билганлар очик бюджет танловида муносиб қатнашиб, меҳнатлари самарасини қувонч билан кузатишмоқда.

Хусусан, Пастдарғом Самарқанд вилоятидагина эмас, республикамиздаги ўз урнига эга бўлган йирик туманлардан бири. Қишлоқ хўжалиғи, саноат, қурилиш ва бошқа соҳаларда кейинги йилларда ҳудудда кўпгина эътиборли ишларнинг амалга оширилгани қувончлидир. Жумладан, йўл қурилиши борасидаги ишлардан кўнгил тўлади. Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан берилган маълумот-

ларга қараганда, 2022 йилда маҳаллий аҳамиятдаги йўлларнинг 17 километрдан кўпроқ қисми таъмирланган. Бунинг учун 11 миллиард сўмдан ортик маблағ сарфланган. Режалаштирилган асфальт ва битум тўлиғича ташиб келтирилган.

– Туманимизнинг Боганали, Қорамангит, Бошайман, Қозқонаймак, Зангибой каби бир қатор маҳаллалардаги автомобиль йўлларидида юрсангиз ҳавас қиласиз, – деди туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси директори Отабек Ҳамидов. – Улар раво, текис бўлибгина қолмасдан атрофи ободонлаштириб, гулзорга айлантирилгани кайфиятни кўтарди. Бундай ҳаракатлар доимий давом этаётгани давлатимиз томонидан йўлларни раволаштириш, йўловчининг розилиғига эришишга эътибор катталигидан далолатдир.

Айни пайтда туман ички йўлларининг аксарият қисми ҳавас қиларли даражада. Таъмирланиши лозим бўлган ҳудудлар масъуллар эътиборидан четда қолмапти. Мавжуд муаммолар ечими бўйича туман ҳокимлиғи билан биргана иш олиб борилапти.

## Дашт бағридаги хазина

Булуғурдаги “Ўбдин соф парранда” МЧЖ фаолияти маҳаллий халқ орасида тилга тушган. Негаки, яқинда тоғ ёнбағирларида фойдаланишга яроқсиз ерда мукамал лойиҳа асосида бунёд этилган корхона ишга туширилди, унда эл манфаати ўйланди, иш ўринлари сонини кўпайтиришга ҳаракат қилинди.

Фабрикани очган тадбиркорларнинг дашт шароитидаги имкониятлардан қандай даромад олиш, мураккаб вазиятда одамларни фойдаланишга жалб қилиш, ташландик жойни ободонлаштириш, кўркам масканга айлантириш асосий мақсади эди. Улар ўз ниятларига етишиб эндиликда корхонани янада кенгайтириш учун дадил қадам ташлаётдилар.

Бажарилган юмушлар ҳақида мазкур корхона раҳбари Манноп Содиков шундай дейди:

– Ота-боболаримиз бежизга “Кўз кўрқок, қўл ботир”, дейишмаган. Биз қўл урадиган иш келажакда маҳаллий халқ учун фақат фойда келтиради, қақроқер меҳнат туфайли обод ҳудудга айланади, деган фикрга қатъий ишонч ҳосил қилиб мазкур жамиятга асос солишга бел боғлагандик. Иш бошида турганларнинг тажрибаси етарли, маблағдан қийналиб қолишмайди, уни жойида сарфлашни, қандай ишлатишни яхши билишди. Маҳаллий ҳокимлик томонидан имконият яратилиб берилди, ундан ўринли фойдалана олиш лозим. Ахир паррандачилик биз учун бегона эмас. Чунки Сирдарё вилоятида ҳам шундай корхона очиб, яхшигина натижага эришганмиз. Бугун эса соҳанинг аҳамияти янаям ошаёпти. Иш бошландими, энди ҳаммаси ҳаракатга, ҳақиқий меҳнатга боғлиқ.

Шундай қилиб иш бошладиган бўлди. Булуғурнинг Ўбдин ҳудудидида паррандачиликка ихтисослашган жамият ташкил этилди. Чўл худудидан 5



гектар ер ажратиб берилди. Чинакам замонавий корхонани қисқа фурсатда қад ростлаши учун барча имкониятни ишга солиди. Бу 2021 йилда рўй берганди. Шундан буён паррандачиликни ривожлантириш борасида бир қатор ишларни амалга оширдик, туҳум ишлаб чиқаришда эришилган натижаларимиз ёмон бўлмади. Товуқларнинг туҳум беришдаги сермахсуллиги биринчи навбатда парваришга, уларнинг қандай озиқлантирилишига боғлиқ. Қолаверса, биз Германиянинг Ломанн зотли паррандаларини олиб келганимиз натижада таёрлаймиз, уларни четдан сотиб олмаганимизнинг ўзи анчагина иқтисодий тежамкорликка олиб келаяпти.

Саҳифани “O'zbekiston bunyodkori” муҳбири Ҳамза ШУКУРОВА тайёрлади.

## Изланувчан тадбиркорлар

Самарқанддаги “Samarqand products” МЧЖнинг шижоатли бунёдкорлари шу кунларда Фирдавсий кўчасида барпо этилаётган муҳташам уй-жойни фойдаланишга топшириш учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Чунки жамоадаги қурилиш соҳасининг малакали мутахассислари, қўли гул усталар бу борада катта тажрибага эга. Тадбиркор жамоа саяё-ҳаракати билан ўтган йили ҳам қадимий шаҳар аҳолисига тўртта шундай иморат тортиқ этилгани фикримизнинг исботидир. Қолаверса, жамоа қурувчилари Тошкент шаҳридаги қатор турар жойларни барпо этишда ҳам фаол қатнашган.

– Бизда мустаҳкам моддий-техник база ва чиниққан ишчи-хизматчилар борлиғи ютуқларимизнинг асосий омилдир, – деди жамият директорининг молиявий масалалар бўйича ўринбосари Толмасхон Низамов. – Қолаверса, бунёдкорлик билан биргаликда ишлаб чиқаришга ҳам катта аҳамият бераймиз. Қатор корхоналаримизда тайёрланаётган қурилиш материаллари эҳтиёжни қондиришдан ташқари, эркин бозорда ҳам муносиб ўрин топади. Шу босис, янги меҳнат оқишига аҳамият қаратаймиз. Хусусан,

ўтган йили АКФА тайёрлашни йўлга қўйган бўлсак, жорий мавсумда эса қиймати 2,7 миллион долларлик янги лойиҳа амалга оширилмоқда.

Шунингдек, изланувчан тадбиркорлар томонидан ушбу бўлажак корхонада бўёқ ва турли аралашмалар сифатини оширишга, мустаҳкамлигини яхшилашга ёрдам берувчи ноёб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам режалаштирилган. Бунинг учун катта ҳомашэ ба-засига эга Афғонистон давлати билан шартнома имзоланганлиги уларга қанот бағишламоқда.

## Тиббиёт бирлашмасида ўзгаришлар катта

Хумоюн ҲАМРОЕВ, Каттақўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.

Кейинги йилларда Каттақўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли муассасаларда катта ўзгаришлар кўзга ташланиб, деярли барча бинолар капитал таъмирланди, эскилари ўрнида инвестиция дастури доирасида замонавий иншоотлар қад ростланди. Улар сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Бундай янгиланишлар ҳисобига ҳозирги кунда бирлашма жамоаси 93 200 нафар, жумладан, 82600 нафар шаҳар ва 10600 нафар Ингичка қўрғончаси аҳолисига тиббий хизмат кўрсатамоқда. 378 ўринли шифохона, 20 ўринли ШТББ, 40 ўринли юқумли касалликлар бўлими, туғруқхона, терапия, асаб касалликлари, кардиология, кўз касалликлари, лор, шикастбандлик, жаррохлик, урология, болалар бўлимлари ишлаб турибди. Бундан ташқари, Ингичка қўрғончаси аҳолисида шифохона ҳам фаолият кўрсатапти. 500 қатновга мўлжалланган КТМП ва тез тиббий ёрдам бўлимлари ҳам мавжуд.

Бирламчи тиббий-санитария муассасаларига бириктирилган 93 200 нафар аҳоли уларнинг саломатлиги ва физиологик ҳолатидан келиб чиқиб, худудий тиббиёт ходимлари томонидан қатновдан ўтказилди. Унга кўра, маҳалла тиббий хараитси шакллантирилган. Кўп тармоқли марказий поликлиникада

эса мавжуд касалликлар ва уларни келтириб чиқарувчи омиллар скрининг текширувидан ўтказилаёпти. Шулар баробарида республика ва вилоятдаги марказий касалхоналар жамоаси билан ҳамкорликда ижтимоий ҳимояга тажрибали шифокорлар ёрдамида бепул ўтказилаётгани аҳолига манзур бўлмоқда.

Яқинда бирлашмага маҳаллий бюджет ҳисобидан 4 млрд 300 млн сўм ажратилиб, замонавий технологиялар билан жиҳозланган оилавий поликлиника ташкил этилгани ҳам хизмат сифатини яхшилашда қўл келаяпти. Шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими режалли бўлимларга ва қабул бўлимига бириктирилди, қабул эмержи бўлимига айлантирилгани ҳам қувончлидир.

# Бухорода “Археологик парк” барпо этилди



**Бухорода ички ва ташқи сайёҳлик тармоғини янада ривожлантиришга хизмат қилувчи “Археологик парк”нинг тантанали очилиш маросими бўлди.**

Тадбирда хориждан ташриф буюрган сайёҳлар, жамоатчилик ва маҳаллий аҳоли вакиллари, туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳаси мутахассислари, археолог олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ушбу тарихий макон қайта тикланган сайёҳлик майдони сифатида хорижий туристлар ва маҳаллий аҳоли учун янги эксклюзив туристик объект бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Бинобарин, қадим шаҳар меҳмонлари, сайёҳлар учун берк бўлган мазкур гўша нақ 103 йилдан сўнг ниҳоят барчага ўз бағрини очадиган бўлди. Аҳамиятли жиҳати, ЮНЕСКО томонидан қўллаб-қувватланиб, Франциядаги машҳур Лувр музейи олимлари ҳамкорлигида амалга оширилаётган мазкур лойиҳа доирасида қадимий ғишт бўлақлари ва тошлардан йўлақлар, айвонли шийпон барпо этилди. Сайёҳлар учун бир қатор қўшимча қулайликлар яратилмоқда. Рес-

таврация ва таъмирлаш-тиклаш ишлари жараёнида Арк кўрғони орқа томонининг чамаси 120 метрлик девор қисми пишган ғишт билан қоплангани ҳам унинг тарихий аҳамиятини йўқотмаган.

Тантананада бевосита лойиҳа иштирокчиси, республикада танқилли архитекторлардан бири саналган Елизавета Некрасова, Бухоро давлат университети ректори Обиджон Ҳамидов, мазкур университет профессори, тарих фанлари доктори Ҳалим Тўраев, маданий мерос соҳаси мутахассиси Туйғун Бобоевлар “Археологик парк”нинг очилиши билан барчани қутлади.

Шундан сўнг маданият ва санъат вакиллари, вилоят мусикали драма театри актёрлари жамоа-

си томонидан тайёрланган Арк калъасида тарихий воқеликка оид театрлашган сахна кўринишлари, Ўзбекистон давлат филармонияси, “Ўзбеконцерт” давлат муассасаси вилоят бўлими санъаткорларнинг чиқишлари йиғилганларга иштирокчиси, республикада танқилли архитекторлардан бири саналган Елизавета Некрасова, Бухоро давлат университети ректори Обиджон Ҳамидов, мазкур университет профессори, тарих фанлари доктори Ҳалим Тўраев, маданий мерос соҳаси мутахассиси Туйғун Бобоевлар “Археологик парк”нинг очилиши билан барчани қутлади.

Шундан сўнг маданият ва санъат вакиллари, вилоят мусикали драма театри актёрлари жамоа-

## Туғилган кунингиз муборақ бўлсин!

Сентябрь ойининг шу ҳафтасида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Азизбек Азимов**, Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиги **Обиджон Мўминов**,

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ Геотехник изланишлар бошқармаси бошлиги **Ильхом Усмонходжаев**,

“O‘zog‘irsanoatloyiha” АЖ Бино ва қурилишларни текшириш ва ягона техник ечимларни ишлаб чиқариш бўлими бош муҳандиси **Алишер Холмуротов**,

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бош мутахассиси **Файзуллохон Сайдумаров**,

Хоразм вилояти, Богот тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Акmalжон Шакиров**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиги ўринбосари **Уmidбек Аҳмедов**,

Андижон вилояти, Асака туманидаги “Асака хусусий уйлар” МЧЖ бош директори **Маруфжон Ҳожитбоев**,

Бухоро вилояти, Бухоро туманидаги “New idel city” МЧЖ бош директори **Суннат Раҳматов**,

Навоий вилояти, Учқудуқ туманидаги “Uchquduq Gold Siti 2022” МЧЖ бош директори **Ақбар Қулдашов**,

Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон туманидаги “Қумқўрғон тезкор коммунал БСК” МЧЖ бош директори **Низом Манатқулов**,

Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги “Excellent Services From Nigora” МЧЖ бош директори **Нигора Юсупова**, Яшнабод туманидаги “JMM GRIN” БСК бош директори **Жавоҳир Каримов**ларни таваллуд қилиши билан чин дилдан муборақбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA  
**O'ZBEKISTON BUNYODKORI**  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси), Шерзод Ҳидоятлов, Давронжон Адилов, Озода Журбаева, Қозим Туляганов, Юлдаш Мағрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

### ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**  
Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Ҳўжаева**  
Саҳифаловчи **Ақmal Махкамов**  
Мусахҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» **Наشريёт уйи МЧЖ** томонидан нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Узсанобқурилишматериаллари» уюшмаси, «УзАШКЛИТИ» ДУК, «УзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвeст» ИК МЧЖ, «УзгеорангметЛИТИ» ДУК.

### ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100035, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.  
**Телефонлар:** 71-241-01-49 (қабулхона), 71-241-01-43 (таҳририят), 71-241-01-49 (бухгалтерия), 71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

### ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.  
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.  
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.  
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.  
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.  
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.  
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.  
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.  
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.  
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.  
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.  
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-937. 1620 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган кўлэмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул.

### КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.  
**Навбатчи муҳаррир** – Р. Ҳўжаева.  
**Навбатчи** – А. Ҳақбердиев.  
Ўза яқуни – 21.35.  
Топширилди – 22.35.

## “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

**бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!**

Савдога “LOMBARD RELIABLE-CREDIT” МЧЖнинг 2023 йил 22 сентябрдаги 38-сонли ариза бюрт-маномаси ҳамда Тошкент шаҳар, Миробод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2022 йил 22 декабрь ва 2023 йил 27 апрель, 18 май, 15 августдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 11-мавзе, 16-уй, 14-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси сўмда
1.	1741	Цепь+кулон порв. с бел. кам. Общим весом 1,88 гр.	1032 183,40
2.	2042	Кольцо погн.; серьги; браслет погн. Общим весом 8,03 гр.	3 560 516,60
3.	2056	Серьги погн. слом. Общим весом 5,68 гр.	2 945 522,35
4.	2149	Кольцо с бел. кам. погн.; серьги с бел. кам. погн.; серьги с деф.; цепь с деф. погн. Общим весом 10,10 гр.	4 790 762,35
5.	2381	Колье слом. деформ.; кольцо с бел. кам. паян. погн.; кольцо с бел. кам. с деф.; серьги погн. Общим весом 19,68 гр.	9 938 762,35
6.	2576	Кулон; браслет; браслет. Общим весом 42,03 гр.	14 891 278,46
7.	3242	Кольцо с бел. кам. погн., 1 кам. нет. Общим весом 1,51 гр.	848 762,35
8.	3408	Браслет погн. Общим весом 7,39 гр.	3 454 562,35
9.	3411	Кулон с деф.; цепь погн. паян.; цепь+подвеска с бирк. погн. с мет. накл.; цепь деформ. слом.; браслет погн.; кольцо с брилл. паян.; серьги с брилл. погн. Общим весом 47,40 гр.	21 005 356,08
10.	3531	Кольцо с бел. и черн. кам. погн.; кольцо. Общим весом 3,17 гр.	1 682 012,35
11.	3580	Кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 3,05 гр.	1 606 262,35
12.	3634	Кольцо деформ.; кольцо с бел. кам.; цепь. Общим весом 8,98 гр.	4 333 262,35
13.	3643	Серьги погн.; серьги с бел. и черн. кам. 1-го кам. нет. Общим весом 7,28 гр.	3 727 262,35
14.	3644	Кольцо с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам. Общим весом 8,28 гр.	3 688 902,35
15.	3691	Кольцо с бел. кам. погн. слом. Общим весом 2,82 гр.	1 390 007,91
16.	3695	Кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 2,12 гр.	1 015 909,88
17.	3718	Кулон погн.; кольцо с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам. погн.; серьги с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 10,91 гр.	5 545 262,35
18.	3751	Браслет погн.; кулон. Общим весом 6,84 гр.	3 518 162,35
19.	3761	Кольцо с бел. кам. 1-го кам. нет погн.; кольцо с фиол. кам. погн. Общим весом 5,63 гр.	2 184 962,35
20.	3787	Кольцо паян.; кольцо с бел. кам. погн. 1-го кам. нет; кольцо с бел. кам. погн.; серьги с бел. и зел. кам. погн. Общим весом 9,61 гр.	4 896 812,35
21.	3858	Цепь погн.; серьги с бел. и зел. кам.; цепь погн. Общим весом 20,77 гр.	10 396 262,35
22.	3926	Браслет с бирк. с бел. кам. погн.; цепь; браслет; браслет с бел. кам.; браслет погн. Общим весом 34,30 гр.	17 244 062,35
23.	3969	Кольцо с бел. кам. деформ.; кольцо с бел. кам. деформ.; кулон погн.; булава с корич. кам. погн.; серьги слом. фраг. отсут.; серьги с бел. кам. Общим весом 9,52 гр.	4 836 212,35
24.	4035	Цепь с накладкой 375”; цепь; браслет слом. Общим весом 21,04 гр.	11 062 862,35
25.	4062	Кольцо с бел. жем. погн. Общим весом 2,28 гр.	1 230 512,35
26.	4159	Кольцо с бел. кам.; серьги с бел. кам. погн. Общим весом 4,88 гр.	2 237 191,47
27.	4205	Серьги с бел. кам. погн. Общим весом 5,06 гр.	2 366 762,35
28.	4222	Браслет с зел. кам. погн.; браслет с зел. кам. погн. Общим весом 42,51 гр.	21 349 712,35
29.	4274	Браслет деформ. Общим весом 5,33 гр.	2 760 662,35
30.	4283	Кольцо с бел. кам. погн.; кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам. и зел. кам. слом. Общим весом 7,80 гр.	3 351 967,86
31.	4304	Серьги с бел. кам. Общим весом 4,62 гр.	2 366 762,35
32.	4305	Цепь; серьги с деф. Общим весом 10,70 гр.	4 255 361,35
33.	4314	Браслет с красн. кам. погн. Общим весом 27,74 гр.	11 650 403,39
34.	4343	Ожерелье погн. Общим весом 18,64 гр.	9 411 512,35
35.	4383	Кольцо с бел. кам. погн.; кольцо погн. Общим весом 5,19 гр.	2 669 762,35
36.	4398	Браслет с красн. кам. Общим весом 27,47 гр.	11 979 463,41
37.	4417	Колье деформ. Общим весом 8,67 гр.	4 436 262,35
38.	4428	Кольцо с черн. кам. с брилл. 1 мм – 1 шт.; кольцо с бел. кам. Общим весом 19,85 гр.	10 017 512,35
39.	4437	Серьги с бирк.; кольцо; кольцо с бирк.; цепь; серьги с бирк.; кольцо с бирк. Общим весом 16,75 гр.	7 589 846,05
40.	4494	Кольцо с желт. кам. погн. Общим весом 3,58 гр.	1 881 962,35
41.	4500	Цепь погн. замок слом. Общим весом 16,09 гр.	8 123 762,35
42.	4526	Серьги с бел. кам.; кольцо; кольцо; серьги с бел. и роз. кам. Общим весом 5,56 гр.	2 670 065,35
43.	4613	Колье с бел. и зел. кам. погн. Общим весом 22,15 гр.	10 126 592,35

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси сўмда
44.	53	Цепь+кулон. Общим весом 5,99 гр.	3 078 812,35
45.	54	Серьги с бел. кам. погн. Общим весом 2,36 гр.	1 275 962,35
46.	77	Кольцо. Общим весом 10,25 гр.	4 281 318,35
47.	102	Кольцо с бел. и зел. кам. Общим весом 3,59 гр.	2 351 612,35
48.	103	Серьги с бел. кам. погн. 2 кам. нет; кольцо с бел. кам. Общим весом 8,59 гр.	3 785 172,82
49.	108	Кольцо. Общим весом 5,65 гр.	2 912 162,35
50.	112	Кольцо с красн. кам. Общим весом 4,25 гр.	2 215 262,35
51.	113	Кольцо. Общим весом 2,01 гр.	1 094 162,35
52.	122	Серьги с бел. кам.; кольцо с бел. кам.; браслет деформ.; цепь деформ.; браслет деформ. Общим весом 15,71 гр.	7 941 962,35
53.	132	Кольцо деформ.; кольцо с бел. кам. погн.; серьги с бел. кам. погн. Общим весом 9,68 гр.	4 942 262,35
54.	141	Серьга 1 шт. с голуб. кам. погн. Общим весом 2,94 гр.	1 563 812,35
55.	154	Кольцо. Общим весом 2,28 гр.	1 116 099,55
56.	178	Кольцо с бел. кам. погн.; серьги с бел. кам.; цепь с биркой погн.; кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам. погн.; кольцо погн. Общим весом 18,77 гр.	9 487 262,35
57.	200	Кольцо с бел. кам. паян. деформ. Общим весом 2,66 гр.	1 306 262,35
58.	219	Колье погн.; серьги с бел. кам.; серьги с бел. кам.; кольцо с бел. кам. 1-го кам. нет; кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 18,95 гр.	9 184 262,35
59.	234	Кольцо погн. Общим весом 1,55 гр.	851 762,35
60.	245	Цепь+кулон с бел. кам.; кольцо с бел. кам. Общим весом 6,33 гр.	3 306 062,35
61.	276	Кольцо слом. фраг. отсут.; серьга 1 шт. погн. Общим весом 2,84 гр.	1 533 512,35
62.	335	Цепь; браслет; цепь погн.; кулон с бел. кам.; кольцо с красн. кам.; кулон с бел. и голуб. кам. Общим весом 14,87 гр.	7 669 262,35
63.	351	Кольцо. Общим весом 2,34 гр.	1 230 512,35
64.	388	Кольцо; кольцо; кольцо с бел. кам. Общим весом 5,45 гр.	2 851 562,35
65.	550	Серьги с бел. кам.; браслет погн.; кольцо с бел. кам. Общим весом 11,39 гр.	5 881 562,35
66.	590	Кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам.; цепь; браслет погн.; серьги с бел. кам. погн. Общим весом 15,58 гр.	7 290 512,35
67.	630	Серьги с зел. кам. погн. Общим весом 5,64 гр.	2 366 762,35
68.	634	Браслет с бел. кам. слом. фраг. отсут.; 1-го кам. нет; браслет с бел. кам., 3-х кам. нет погн.; кольцо. Общим весом 42,18 гр.	22 455 662,35
69.	695	Серьги с бел. кам. с биркой сколот. Общим весом 3,31 гр.	1 851 662,35
70.	721	Серьги; кольцо с бирк.; кольцо с бирк.; кольцо; кольцо с бирк. с бел. кам. Общим весом 7,81 гр.	4 230 212,35
71.	737	Цепь. Общим весом 10,14 гр.	5 169 512,35
72.	766	Кольцо погн. Общим весом 3,25 гр.	1 821 362,35
73.	775	Кольцо с бел. кам. 1-го кам. нет. Общим весом 4,28 гр.	1 912 262,35
74.	840	Кольцо с бел. кам. Общим весом 2,86 гр.	1 609 262,35
75.	908	Кольцо с брилл., 3 мм – 1 шт., 2 мм – 18 шт. погн. Общим весом 8,62 гр.	3 881 762,35
76.	949	Кольцо с бел. кам. сколот. Общим весом 4,21 гр.	2 003 162,35
77.	974	Кольцо погн.; цепь погн. Общим весом 13,30 гр.	7 139 012,35
78.	982	Кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам. деформ. паян. Общим весом 6,88 гр.	3 730 262,35
79.	986	Серьги с бел. кам. погн. Общим весом 2,84 гр.	1 548 662,35
80.	1004	Серьги с бел. кам. Общим весом 4,72 гр.	2 594 012,35

**Жами бошланғич баҳоси 409 436 712,33**

Аукцион савдолар 2023 йил 2 ноябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.  
**Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати:** 2023 йил 31 октябрь куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).  
Юқоридаги заргарлик буюмлари 2023 йил 2 ноябрь куни сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2023 йил 16, 30 ноябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Тақрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати бир иш кун аввал соат 16.00 гача.  
Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.  
**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ХАТБ “Давр Банк” Олмazor филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.  
Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.  
**Телефон:** 71-237-23-96.  
**Расмий сайт:** www.rmm.uz

001805 рақамли гувоҳнома.